

---

САИД РАВШАН

---

# МАНЗИЛЛАР

---

*ҚИССА*

Тошкент

Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1980

ББК 84.Уз  
Р 13

P  $\frac{70303 - 120}{M \ 352 (04) - 80}$  23 - 80 4702057020

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й.

**Э**лмурод автобазада иш бошлашдан бир ҳафта олдин шаҳарга келган эди. Ўнга ётоқхонада ҳозирча бўш ўрни йўқлнгини айтишди. Шу боисдан, у Бозори гул маҳалласидаги бир ҳовли болохонасини ижарага олди. Ҳовли эгаси Рисолат буви ёлғиз турарди.

Болохонага тўғри йўлакдан чиқилади. Бу ерда кунчиқар томондаги деразалардан қўшини ҳовли кўзга яққол ташланиб туради.

У тушгача ашқол-дашқолини саранжом-саришталади. Деразаларга пarda тутмоқчи бўлиб, ойналарни артаётганида, нигоҳи беихтиёр қўшини ҳовлига тушди. Ҳовли ўртасидаги сўрида келишган, чиройли бир қиз китоб ўқиб ўтиради. Эгнидаги атлас кўйлаги гавдасига ёпишиб турар, бир ўрим узун қора сочи елкаси оша бўлиқ кўкраги устига ташлангган эди. У бир лаҳзадаёқ қизга ҳавасманد бўлиб қолди.

Элмуродни қишлоғида кўнгли очиқ, феъли кенглигидан талай қизлар ёқтиришарди. Ўзи ҳам қад-қомати келишган, хатти-ҳаракатларида ажиб бир эпчиллик музассам эди. Лекин ҳалига қадар у бирор қизни юракдан ёқтиргмаганди. Қўшини қизнинг ҳозир қандай китобни ўқиётгандиги унга албатта маълум эмасди. Лекин қиз шунчалик диққат билан берилиб ўқиётган эдикни, китобдан бир дақиқа бўлса-да, кўзини узмасди. Элмурод, у бир қарармикан, деб узоқ кутди, ўзича томоқ қириб йўталган бўлди. Кейин дераза ойнасини артаётиб,

аллақандай бир қўшиқни хиргойи ҳам қилди. Бироқ қиз қиё боқмади. Йигитнинг кўнглида энди қиз билан яқиндан танишиш иштиёқи туғилди.

— Салом, қўшни, ҳорманг! Айта олмайсизми, соат неча бўлди?

Қиз унга бир қараб, чиройли жилмайди. Шодланганидан йигитнинг юраги ўйноқлаб кетди. Аммо қиз шундай сўнг кўрсаткич бармоғини ўз билагига нуқиб, йигитга ишора қилди-да, яна ўқишига тутинди. Йигит уялиб, қулоқларигача қизариб кетди. «Бошқа бирор баҳона қуриб кетувди-я? Қўлингда соат бўлса-ю, сени қара-я!..»

Элмурод шу куни уялганидан деразани шарт ёпди. Қизга ортиқ кўринмасликка ҳаракат қилди. Лекин кеянги икки кун унинг асосий машғулоти яна барнибир дераза олдпда туриб, қўшни ҳовлини кузатиши бўлди. Нуқул қизнинг чиқишини пойларди. Қизнинг исми Замира эканлигини кечакиб болакайни гапга тутиб, билиб олди.

Қиз тез-тез ташқарига чиқиб туарар, гоҳ ҳовли супурар, гоҳ у-буни олиб чиқиб, арқонга иларди.

Кечки пайт ҳовли эгалари сўрида давра қуришарди. Қизнинг ойиси қирқ беш ёшлардаги аёл, отаси Сайфулла ака эллик ёшларда, ўрта бўй, семиз, мўйловдор киши.

Элмурод Замиранинг ҳар бир ҳаракатини кузатган сари қиз унда кучли қизиқиш уйғотар, қалби лаззатли бир тўйғудан орзиқиб, энтикиб борарди. Кўнглида қиз билан тезроқ сўзлашиш, танишишни истарди. Қиз эса тўр парда ортидан ўзининг зўр эътибор билан зимдан кузатилаётганлигидан буткул бехабар эди. Элмурод қизнинг кўчага чиқиш пайтини сабрсизлик билан кутар, чиқса дарров изига тушиб, уни гапга тутмоқчи эди.

Ниҳоят учинчи куни қиз қўлнда сумка кўтариб кўчага чиқди. Элмурод ҳам уйдан чиқиб, унга пинхона эргашди. Қиз тез-тез юриб, Тоқи заргарондан ўтди ва Эски шаҳардаги «Колхоз бозори»га кирди. Помидор, олма, картошка харид қилиб, сумкасини тўлғазди. Йи-

гит уни узоқдан, бозорчилар орасидан кузатарди. Қиз бозордан чиқиб йўлга тушганда илдам-илдам юриб, унга етди ва қизга журъатсизгина кўйда мурожаат қилди:

— Қўшни, юкингиз оғир чамамда, келинг, кўмаклашай...

Қиз бурилиб, унга ялт этиб қаради:

— Э, ҳа, сизми?.. Йўқ-йўқ, ўзим...

— Келинг энди... — Элмурод қўярда-қўймай қиз қўлидан юкини олди. Иккиси муюлишгача ёнма-ён индамасдан боришиди.

Муюлишга етганда қиз жилмайди:

— Бўлди. Раҳмат.

— Нега энди?

— Яхши бўлмайди. Ўзим...

\* \* \*

Эртаси кун чошгоҳда бир юк машинаси Замиралар уйи дарвозаси олдига келиб тўхтади. Кузовдан катта тахта қутини тушираётганда, Элмурод ташқаринга чиқиб қолди ва салом бериб, дарров кўмаклашишга киришди.

— Секинроқ, укалар, савил бу йигма сервант жуда нозик нарса. Эринмасдан туширайлик, — деди хирилдоқ товушда Сайфулла ака.

Шу куни Элмурод баҳонада қўшни ҳовлига кирди. Кути ичкарига олиб кирилгач, уй эгаси чўнтақ кавлаштириб, шофёрга кира ҳақи тўлади. Сўнг уни дарвозагача кузатди. Элмурод ҳам шофёрга эргашиб кетаётганди, бўлмади.

— Ука, эшлишишмча, бизга қўшни бўлибсиз, — деди унга Сайфулла ака. — Агар вақтингиз bemalol бўлса, бирпас қарашворсангиз. Икковлашиб шу савилни эпакага келтирсак...

Биргаликда сервантни жойлаштиришга уринишди. Шу маҳал Замира кўчадан келиб қолди.

— Қизим, суюнчи бер... Қейин дарров чой қўйвор, чанқаб кетдим, — деди ота уйдан туриб.

— Чиройлими, дада, — деб эшикдан бош сукди Замира ва Элмуродни кўргач, бир лақза донг қотиб қолди. Сўнг жилмайиб салом берди-да, «ранги чиройли экан», деб қўшни хонага илдам кириб кетди.

— Мен ёмонидан олармидим, қизим. Саралаб, танлаб олдим, — деди ота сервант қизига ёққанлигидан қувониб, кейин Элмуродга қараб қўшимча қилди: — Бир йилдан бўён каттароқ сервант олайлик, деб ҳолжонимга қўйишмайди. Менга қолса нариги хонада биттаси турибди, бас эди, ўша. Орзу-ҳавас эмиш.

Шу орада Замира хонага бир-икки кириб чиқди. Мен ўйлаганимдан ҳам чиройли экан, деб серванта ҳавас билан қаради. Элмурод ҳам қизга ўғринча қараб-қараб қўярди.

У қизнинг отаси билан чой ичди. Сайфулла ака жуда серзавқ, беғам, ортиқча ташвишларни ёқтирумайдиган улфат киши экан.

— Ука, ёг-экстракция заводида ишлай бошлаганимга кўп бўлди, — Элмуродга ўзини танита бошлади у. — Хотиним кондитер фабрикасида ишлайди. Зўр пазанда. Замира — тўнғич қизим, пиллачилик фабрикасида ишлаяпти. Зеҳни ўтқир, тарих факультетининг иккинчи курсида спртдан ўқииди. Синглиси Зилола тўққизинчи синфга кўчди. Маданият уйи томонидан «Зеҳн» телевизион конкурсисида қатнашгани Тошкентга кетган...

Сайфулла ака кенжак қизи бугун келиши кераклигини фахр билан айтгач, йигит ҳақида сўради.

— Ўқинда хизматдан қайтдим, — деди Элмурод. — Иш даракладим. Эрта-индин ишга киришаман.

— Аслида биздек қишлоқдан экансиз-да, ука, — деди уй эгаси ва яна сўзида давом этди. — Менинг ҳам асли туғди-битти ерим Когон районининг Тутикунда қишлоғи. Бригадир билан чиқишолмай шаҳарга келиб қолганман. Эҳ-ке, бунга анча-мунча йил бўлди. Энди

мана танишдик. Бизнигига тез-тез ўтиб туринг, ука! Лекин бу оқшом албатта ўтасиз, сервантии ювамиз. Бўлмаса бошқа пайт бизнинг хотиндан осонликча ҳақ ундириб бўлмайди. Ҳа, айтганча, футболга ишқивозмилар? Мен «Пахтакор»нинг ўйинини қолдирмайман.

— Бугун «Аарат» билан ўйнайди шекилли.

— Шекиллиси нимаси, э, бор бўлинг-э! Албатта ўйнайди. Келинг, биргаликда кўрамиз. Телевизоримиз зўр кўрсатади, — деди Сайфулла ака.

Элмурод бу ердан яхши кайфиятда чиқиб кетди.

Оқшомда уй эгаси Рисолат буви уни чақириб қолди.

— Болам, бу ёққа бир тушинг!

«Сув ташиб белакларини тўлғазиб қўйган бўлсан, супага ҳам қалин сув сепувдим. Кафтдеккина гулзорга ҳам... Яна қандай юмуш чиқиб қолдийкин?» — кўнглидан ўтказди Элмурод. Сўнг шошиб пастга тушди.

— Кўшнимиз меҳмондорчилликка айтиб кетди. Юринг, ўтайлик. Хафа бўлишмасин, — деди кампир.

— Таклиф қилишган бўлса борамиз, бувижон, — деди Элмурод ич-ичидан суюниб.

Ҳаммалари сўрида, хонтахта атрофида давра қуриб ўтиришди. Сайфулла аканинг хотини жуда дилкаш, эпчил, меҳмондўст эди. Кўшниларни кўриб суюниб кетди. Элмурод бир оз қисиниб, ийманиб ўтиради. Замиранинг синглиси Зилола ҳам ҳалигина келган эди... У ҳусн-тароватда опасидан қолишмасди. Қош-киприклиари қора, қарашлари ўтли эди. Кўнгироқ овози, ўқтамона сўзлашидан Замирага нисбатан шаддодлиги, оилада бир қадар эрка ўсганлиги билиниб турарди. Ҳа, Замира бошқача... Ўйчан, мўмин боқар, юз-кўзидан аллақандай меҳрга муҳтожлиги, нимадандир ўксинаётганлиги, эзилаётганлигини тусмол қилиш мумкин эди. Унда Зилолага хос ноз-истифно йўқ эди.

Меҳмондорчиллик жуда кўнгилли ўтди. Гап Элмуродга тегишли бўлганда у одоб сақлаган ҳолда, қисқа жавоб қайтарарди. У рўпарасида ўтирган Замирага гоҳ-

гоҳ зимдан қараб қўяр, Замира ҳам унга тез-тез ўғринча боқиб олар, нигоҳидан нечундир уялаётгани, хижолат чекаётгани сезилиб турарди. Зилола эса Элмуроддан шўх, ўтили нигоҳини узмасди. Фақат Сайфулла аканинг кўнгли ҳеч ёришмаётганди, техник сабабларга кўра футбол ўйинини олиб кўрсатишмаганидан фифони фалакка кўтарилиганди.

Хуфтонга бориб кампир билан Элмурод ўринларидан қўзғалишди.

\* \* \*

Ишга кирганининг учинчи ҳафтаси, якшанба кунида Элмурод ҳар галгидек қишлоғига бормади. Куни кеча онаси уни кўришга келиб кетганди. Шаҳарда ўтган шу бир ойга яқин муддатдан у кўнглида мамнун эди. Шу даврда унинг кулбасида Замира билан синглиси Зилола икки-уч марта бўлишиди. Замира дазмолни тузатиш баҳонасида чиқди. Синглиси «Спидола»га батарея ўрнатиб беринг», деб келди. Улар болохонага ҳар бир чиқишиганида, албатта бирор юмушни баҳона қилиб кўрсатишарди. Энг қувончли томони шунда эдикни, йигит тунов оқшом ишдан қайтганда ўз кийимлари ювилган, дид билан дазмоллаб қўйилганини кўрди. Ҳаёлидан, бу Замиранинг иши бўлса керак, деган гап ўтди, хурсанд бўлганидан кўнгли яйраб кетди.

Элмурод эртаси куни ажойиб бир кайфият билан ишлади. Фақат қотмадан келган, найнов прорабнинг сўзини ерда қолдирганидан кўнгли бир оз хижил эди. «Унга гапнинг индаллосини айтсан бўларкан!»

Иши тугагач, гаражга қайтди. Идора олдида турган диспетчер уни кўққисдан чақирди:

— Ҳув янги келган йигит, дарров директор кабинетига...

Элмурод қаншарини қашиб, ҳовли бурчагидаги бино томон одимлаб кетди. Бориб тўғри директор ҳузурига

кирди. Семиздан келган, япалоқ юзли әллик ёшлардаги тепакал Султон Жалилович электрустарада соқол қиртишилаётганди. У Элмуроднинг саломига бош қимирлатди-да, гапни қисқа қилди:

— Қурилишдаги командировканг тугадими?

— Ха...

— Ёмон ишламаяпсан. Яша! Молодец! — У электрустарани қутнисига жойлаштираётуб, қўшимча қилди:— Лекин ўзингдан катта киши иш буюргонда ҳеч маҳал шаккоклик қилма. Қурилиш прораби бир машина пишиқ фиштни бир ерга обориб ташла деса, унамай обьектга оборибсан? Ҳалитдан ўзбошимчалик яхшимас, ука.

«Дарров қаёқдан била қолдийкан?..»

— Ортиқча ташвишни хоҳламайман, ўртоқ директор. «Фиштни аллақайси бир кишининг уйига элтиб ташла», деди. Бунақанги ишни ноғорасига ўйнайдиган шоғёрга айтсин! Мен...

— Бўлди, бас... — унинг сўзини бўлдп директор. «Ўргилдим сендай ҳалол ишлайдиган олифтадан. Прорабни хоҳлаган пайтида юк машинаси билан таъминлаб турибман. У ҳам ҳиммат қилмоқчи бўлган, аммо бу тентак... Хайрият, айтилган адрес менини эканлигини билмабди. Яна битта активист етмай турувди, ўзи...»— Султон Жалилович тезда гап йўналишини бошқа ёққа бурди. — Синамоқчи эдим... Молодец! Бормай тўғри иш қилибсан. Душанба куни шагал ташишга борасан. Йўл қурилиш бошқармаси иҳтиёрига...

— Ҳўп, кетсам майлими?

— Жўна...

\* \* \*

Элмурод дам олиш куни тушгача шаҳар кезди. Кинога тушди. Офтоб ботар пайтда кулбасига қайтди. Буви қудасиникига кетиб қолибди. Буни унга дарвоза калитини берган Замира айтди. Бувининг ёлғиз ўғли

қурувчи эди. Икки йил илгари бездан оғриб ўлди. Келини туғиши ганларини кетиб қолган. Рисолат буви ўғлидан бирдан-бир ёдгор — неварасини кўргани қудаси-никига тез-тез қатнаб туради. У икки-уч кунда кела олмаслигини айтибди. Элмурод ҳовлидан хабардор бўлсин, дея Замирага тайинлаб, қалитни унга қолдириб кетибди кампир. Унинг баҳтига Замира ҳам уйда ёлғиз экан. Ота-онаси, синглиси қишлоққа меҳмондорчиликка кетишибди. Душанба эртаси қайтишаркан.

Кутилмаганда қиз ундан илтимос қилиб қолди:

— Ҳалироқ бир-икки соатга вақтингиз бўладими? Бир дугонамни кига бирга бориб келардик, — деди у ва илова қилди: — Энг қалин дугонам. Бу оқшом тўйи. Жуда тайинлаган. Тўйга бормасам, асло кечирмайди. Бир ўзим борсам, қайтишда...

Элмурод суюниб кетди. Икки соат ҳам гапми, туни билан кетишга ҳам тайёр. У ич-ичидан қувониб, қисқа жавоб қилди:

— Бўпти, борамиз.

— Келишдик-а? Унда бир соатдан сўнг мени кўча муёлишида кутинг.

Элмурод Замирани кўча муёлишида кўриб, лол қолди. Диц билан кийинган, эгнидаги қирмизи кофтаси жуссасига ёпишиб турар, латиф чеҳрасидан нур ёғила-ётгандек эди. Одми кийинган йигит унинг олдидага ўзини ўнғайсиз сеза бошлади.

— Тўйга бир қишлоқи йигитни эргаштириб бораёт-танингиздан ийманмайсизми? — сўради йигит тутилиб.

— Нега энди ийманарканман? — самимий жавоб берди қиз.

Элмурод ўзини-ўзи ўринсиз камситганидан хижил бўлди.

Иккиси чоққина безатилган тўйхонага кириб келишганда, давра аллақачон қизиган, ўйин-кулги авжида эди.

Элмуроднинг лабларидан майин табаассум аrimасди, очиқ чеҳра билан Замирага тез-тез қараб-қараб қўярди.

Анча-мунча ароқ ичганидан ёноқлари ловулларди. Қиз ҳам йигит қистовида бир-иккп қадаҳ «шампанское» ичиб, юзинга қизиллик юурдп. Иккиси гоҳ сирли, маънодор кўз уриштириб олишар, Замира ўз нигоҳи билан гўё: «Сизу менга ҳам худди шундай кун насиб этар-микан, этганда сизга бир умрга вафодор ёр бўлардим», деяётгандек эди.

Элмурод қизга аста шивирлади: «Секин чиқинг, кетамиз!»

Иккиси даврани тарк этишди. Замиранинг кайфи хийла ошганди. Юрганида сал-пал довдирарди, буни сезган йигит унинг билагидан қўлини ўтказиб олди. Қиз йўл бўйи гапириб келин бўлмиш дугонасига ҳавас қилаётгандек бўлди. Унга яқинлашгач, ичимлик кайфиятидан анча дадилланган Элмурод қизни ўз кулбасига астойдил таклиф этди:

— Келинг, сұхбатлашиб ўтирамиз!

Қиз унга ҳадиксираб қаради. Йигитнинг чеҳрасида самимийлик, меҳрибонлик ифодасидан бўлак нарсани сезмагач, рози бўлди.

Қиз олдинда, Элмурод унинг ортидан пиллапояни бирма-бир босишиб болохонага кўтарилишди. Йифит чироқни ёқди ва ўзига қандайдир мўмин тикилиб турган бир жуфт жоду кўзни кўрди. Қизнинг термнилишидан, мана, мен қаршингда, амрингга мунтазирман, деган маъниони уқди. Кўнглида ёмон нияти йўқ эди, энди эса... қаршисида турган қизни ўтиришга ҳам таклиф этмай, уни маҳкам қучганича, шошқалоқлик билан ўпа бошлади. Бир фурсатдан сўнг қиз ўзини зим-зиё хонада, каравотда, Элмурод оғушида кўрди. Қиз лочин панжасига илнинган қушдек тўлғанпб, типирчилаб, қаршилик кўрсата бошлади.

Қайноқ, момиқ бадан йигит вужудини ўтдек куйдипар, иродасини ҳирс довулига тизгинсиз тутқизганидан қиз дудоқларидан ютоққан ҳолда басма-бас бўса оларди.

— Сизни яхши кўраман! Яхши кўраман, — қиз қулогига шивирларди йигит. — Сиз ҳам...

Қиз энди гапирмас, негадир нафас ютган эди.

Эҳтирос билан қучоқлаш, ўпишлардан қизнинг қалбida ҳам энди ёқимли туйғулар мавж ура бошлаганди. Тортинчоқлиги йўқолиб, йигит бўйнидан қучганича унинг соchlарини бармоқлари билан силай бошлади. Шунда йигит бирдан қизиқ ҳолатга тушпб, алланарсадан умидсизлангандай чуқур хўрсиндн-да, вужуди бехос бўшашинқираб кетди. Нега у дарров таслим бўляпти?

— Айтганча, ишга кирдингизми? — сўради қиз йигитни гапга солгиси келган кўйда.

— Ха, — лоқайдлик билан жавоб қайтарди йигит.

— Нима ишга?

— Уз касбим... шофёрликка...

— Нима?! — қиз бирдан титраб, йигитни бағридан силтаб юборди ва сапчиб ўрнидан турди. Элмурод ҳайрати ошиб, чироқни ёқди. У ранги оқарип, кўзлари косасидан чиққудай бўлиб ўқрайиб турган, ёноқларида ёш думалётган қузни кўриб, бир қадар қўрқиб кетди.

— Сизга нима бўлди, Замира?

Лаблари титраб турган Замира қўрслик билан: «Ҳеч нима», — деди-ю, бирдан ўқсиб, кафтларини юзига босди ва негадир кескин эшикка бурилиб, илдам чиқиб кетди.

Йигит баттар таажжубланди. «Қизиқ, нега бундай қилди? Касбимни эшитиб, нега бунчалик чўчиб кетди? Ёки касбим ёқмадими унга?!»

Элмурод чуқур сўлиш олиб, оғир гавдасини каравотга ташлади.

\* \* \*

Элмурод кун бўйи шағал ташиди. Йўлда нуқул Замира ҳақида ўйларди. «Нега у бирдан... ҳали турмуш кўрмаган-ку?! Ёки севишган йигити борми? Айтмади-ку? Ёки кайфи ошгани туфайлими?.. Шундай қамтар, ке-

лишган қизнинг бундай нохуш ҳолга тушишида, албатта, бир сабаб бўлса керак? Қандай сабаб бўлдийкан?»

У ишдан қайтганида гўлабирдан келган ҳамкасби Фани:

— Менга қара, жўражон, — деди унга. — Мукофот олишини хоҳлаб қолибсан-да. Шағал ташишга ўтибсан?

— Мукофот қуруқдан-қуруққа берилавермас, дўстим.

— Бе, қизиқ экансан. Ҳали кўп нарсадан хабаринг йўқ экан-ку! Қўзбўямачилик қилсанг, мукофотнинг биринчиси сеники бўлади.

— Қизиқ-ку, қайси маънода айтапсан? — таажжубланниб сўради Элмурод.

— Била туриб, ўзингни гўллика соласан-а? Йўл қурилишида Куйикмозор карьеридан шағал ташидингларми?

— Ҳа, ташидик.

— Шерикларингнинг кўпчилиги Зарафшон дарёси қирғонидаги Сарапул карьеридан шағал ташишади. Путёвкасини эса Куйикмозор карьеридан тўлдириб олишади. Куйикмозор қирқ чақиримлик масофа, Сарапул карьери эса ё йигирма чақирим чиқади ёки йўқ. Куйикмозорга бир йўла қатнагунча, Сарапулга бемалол икки қатнаса бўлади. Путёвкани келишиб қўйган кишисига тасдиқлатиб олиб, «Ура! Нормани икки-уч ҳиссадан бажаряпмиз», — дея дўпписини яримта қўйиб, кеккайиб юрганлар йўқ эмас! Асфальт ётқизиша иккала карьер шагали бир-биридан қанчалик фарқ қилишини мендан яхши биласан. Ашур, Рўзидаи доғулиларга иш битса, буюртма эпланса бўлгани. Билиб юрибсан-ку, мукофотнинг олди ҳамиша уларники бўляпти.

— Шундай қўзбўямачиликни била туриб, индамай жим юрибсанми? Қойил-э! Яна комсомол эмиш... — у қизишиб кетди.

— Қўйсанг-чи? Мунча ўқраймасанг!.. Сенга бир гапни айтиб, балога қоламан чофи-ку!.. У айёрларнинг одатини билмайсан. Бир ўчакишмасин, кейин чиқишиб бўп-

сан... Директор ҳам уларга ён босади. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Уларнинг ишларига қаршилик кўрсатиш бефойда. Дарвоқе, сен комсомол ташкилотининг аъзосисан. Бир уриниб кўр-чи, шояд бирор фойдали натижага эришсанг...

Элмурод эртаси куни Фанидан эшитган гапларининг ҳақлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Ўзи билан бир карьердан шағал ташишга борган уч-тўрт шофёр бир йўла қатнашди-ю, бошқа кўриниш беришмади. Сўнгра у воқеани комсомол ташкилотига билдириди. «Комсомол проJECTори» аъзоларидан иборат комиссия тузилди. Йингичка мўйлови ўзига ярашган, доимо кўзойнак тақиб юрувчи комсомол ташкилоти секретари Тоҳир, бюро аъзоларн Самад ва ўзи комиссияга қўшилишди. Текшириш ишлари бошланди. Ашур, Рўзи, Мастон сингари шофёрларнинг кўзбўямачилик қилиб юрганлиги далиллар асосида исботланди. Текшириш натижаси дирекцияга маълум қилинди. Бироқ директор уч кишидан иборат комиссия аъзоларини чақириб, уларга мулоийимлик билан гап уқтиришга тушди.

— Укалар, мен аввало ўз обрўйимни эмас, колектив обрўсини ўйлаяпман,—деб бамайтихотир сўзлади директор. — Билдик, хунук пш қилишибди... Вақтида англаб, аниқлаб бузга билдирганларнинг дуруст бўлди. Молодец! Лекин гап шу ерда қолсин. Ўзимиз айборларга танбеқ берамиз.

— Майли, розимиз, — деди секретарь Тоҳир, — лекин уларнинг қилмишларини комсомол йиғилишида албатта муҳокама қиласиз.

— Ана, холос, гапимиз яна бир ердан чиқмаяпти-ку!— деди директор норози қиёфада столни чертиб. — Хўш, муҳокама қилиб, борингки, уларга жазо бердинглар ҳам, дейлик. Лекин бундан нима фойда? Танқид мой эмас, бамисоли ўткир тиф. Улар тенгқурлари орасида бош кўтариб юролмайдиган бўлншади. Ишдан совишида. Ишимизга зиён етади, деб ташвишдаман, укалар.

Комсомол тафтишчилар ночор директорнинг фикрига қўшилишиди.

Ўлар чиқиб кетишгач, Султон Жалилович креслодан қўзғалди. Кабинети бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Дастрўмолчасини олиб, тепаси тақир боши, бўйини артди. Папирос тутатди. Чуқур хаёлга толди. «Тинч ишлашга қўйишмаяпти. Ҳар кун бир дилсиёҳлик. Олдинги ишим анча дуруст эди-ю... На илож. Кимсан, автотрест бошқарувчиспнинг ўринбосари. Эндиликда оддий бир автобаза директори. Соямга салом берувчи директорлар озмиди? Қаҳримдан дир-дир титрайдиганлар-чи? Энди йиғинларда улар билан бир қаторда ўтирадиган бўлдим. Баъзи бирларига ҳатто тик қарашга ботина олмайман. Улар гўё мана, биз ҳам эдик сендек, сен ҳам бўлдинг биздек, деб илжайишиб қараётгандек туюлади. Пенсияга чиқишимга уч йил қолганда бўшатишди-я. Ақалли кўп йиллик хизматларимни ҳам инобатга олишмади! Энди гап-сўз бўлмай, пенсияга чиққунча шу вазифани беғалва амаллаб турсам бўлгани. — Директор папирос тутган семиз, сертук қўлинни тез-тез лабиға олиб борар, тортиб-тортиб, устма-уст сигарета сўрарди. — Бу янги активист Элмурод бошга битган бало бўладиганга ўхшайди. Насиҳат қилсам, менга гап уқтиради-я. Нега ҳам чақирдим уни. Ҳали нималар деб вайсади у бетамиз?.. «Айтганингиздек, содир бўлган нуқсонларни четдан ҳеч ким билмади, дейлик. Лекин бу камчиликларни кўра-била туриб, хаспўшлаш эмасми? Сиз коллектив обрўйини кўзда тутяпсиз. Бироқ бу сирли обрўнинг ипма кераги бор?! Қамчиликни била туриб, уни вақтида ошкор этишга тўсқинлик қиляпсиз! Бундай ноўрин ишлар бир кунмас бир кун юзага чиқса, ўшанда коллектив бутуслай обрўсизланади-ку! Менимча, нуқул шахсий манфаатини кўзловчиларни ўз вақтида фош этиш зарур. Уларни ҳалол ишлашга ундаш керак. Акс ҳолда Ашур, Рўзидек ялқовларга йўл очиб берилган бўлади...» Ажаб, нега у ҳадеб Ашур билан Рўзини тилга оляпти?

Ёки у тентаклар оғзидан гуллаб қўйдимикан?.. Ҳали бирор ғавфони қўзғамайдими? Қайданам уларга?.. Тавба! Партияниг айтганим айтган, деганим деган бўлса, ишчилар комитети раиси сўзимдан чиқмаса. Комсорг ҳам кўнди гапимга. Бошқалар-чи! Ижозатимсиз бирор юмушни ҳал этишолмайди. Бу қайсар қайданам йўли-қиб қолди-я? Келиб-келиб шу тирранчага қолганда панд ейманми?.. Ҳали шошмай тур! Шундай боплаб таъзирингни берайки... ӽзга қўл остимда ишлайдиганлардай изимдан чиқмайдиган бўласан. Муштдай ҳолда менга ўгит беради-я, тирранча! Юмшоқ гапнинг гадоси экансан-ку. Бирпасда унинг кўнглини аврадим-қўйдим-а... Яша, балли! Молодец экансан, ука! Ҳамма вақт ана шундай актив бўл! Олов йигитлигингдан қолма. Ишда жиндай камчилик сездингми, дарҳол менга келиб айт! Тезда хотима берамиз. Ашур, Рўзи блан эса шахсан ўзим алоҳида шуғулланаман. Уларнинг шундоқ ҳам таъзирини бериб қўяйки, иккинчи бор асло ноўрин иш қилишмайдиган бўлишади, деб елкасига шапатилаб қўйсам илжаяди-я... Ширин сўз билан илон инидан чиқибди. Бир амаллаб муомалага кўндирганим яхши бўлди, уни. Ашур билан Рўзига ҳам бир-икки оғиз насиҳат қилиб қўймасам бўлмайди чоғи. Индамаганим сари кўп катта кетишяпти. ӽф, бу одамлар билан муроса қилиб ишлаш бирам қийин бўляптики...»

\* \* \*

Мана, сўнгги учрашувдан буён бир ярим ой ўтиб боряптики, Замира ҳамон Элмуродга қайтиб кўриниш бергани йўқ. Имкони борича ундан ўзини олиб қочади. «Нега ўша кеча унга эрким жиловини тутқиздим-а? Энди бу ёфи нима бўлади? ӽ мен ҳақимда нималар деб ўйлаётганикин?.. Бир дафъа оғзим куйгани камлик қилгандек, яна... Мен уни алдашга сира ҳақим йўқ! О, қар-

чиғай йигит, нега сен менга бир йил, ҳа, бир йил олдин учрамадинг?!»

У йигитни ҳар лаҳза қўмсар, эслаб турарди. Назаридан йигит доимо унинг ёнида эди. Кўча-кўйда юрса нақ рўпарасида пайдо бўларди, гўё уни йўлга бошлаб бораётгандек бўлиб туюлаверар, сирли оҳангда шивирлаб, мен сизни севаман, ҳа, севаман, деяётгандек эди. Қиз бирга ўтказган ўша лаззатли висол онини, йигит қиёфасини унтишга ожизлик қиласади. Йигит унинг юрагига шу қадар кучли ишқ ўтини қалагандики, унинг бу оловдан осонликча қочиб қутулпши даргумон эди.

Севги чанқоқлиги, азоби Элмурод қалбини ҳам борган сари ўртаб-қийнарди. «Нега у мендан ўзини бунчалик олиб қочади? Сабаб нима?.. Уядадими? Е ўшандада?.. Наҳотки, энди у билан бошқа ҳеч учраша олмасам. унинг ҳуснига тўйиб-тўйиб боқолмасам...»

У узлуксиз ўй сурар, кўзи ўнгига нуқул Замира гавдаланар, уни хаёлидан нари кеткиза олмас эди. Қарчифайнини йўқотган овчилик аламзада, инидан ажралган қушдек безовта эди. Беором, фаш кўнгли дақиқа сайин севгилисини қўмсарди.

Элмурод кун бўйи хаёл суришдан нарига ўтмади. Машинаси ремонтда эди. Самосвали остига кириб, кардон вални туширди. Криставинани очиб, эринчоқлик билан мойлади. Шу йўсинда кунни ўтказди. Шу куни ўтказган умрининг энг bemazmун куни бўлгандай туюлди унга.

Дард устига чипқон, деганларидай гараждан чиқиб уйга қайтаётганида яқинда пўстаги қоқилган икки ҳамкасби уни ўртага олди. Ашур:

— Ўв, активист, чақимчилик қилганинг билан бирор еримиз камайдими, — деди ҳиринглаб кулиб, — яна сен ҳам ўша одамсан, биз ҳам...

— Йўқ, янгишяпсан! — деди Элмурод. — Бир одамликка одаммиз, лекин одам ҳар хил бўлади. Айрими ҳалол, виждони пок. Айрими бунинг тамоман-акси...



— Вой, соф вижданли-ей! Ха-ха-ха... — масхараомуз кулди Ашур. — Ҳой активист, менга қара! Кейинги пайтлар тоза ҳаддингдан ошяпсан-а? Мени, машинам йўлда бузилиб қолди, тузатгунча кун ўтди, деган баҳона билан шахсий участка қураётган кишиларга шағал ташиб, пуллаб юрибди, деб, Рўзини ёғоч базаларига бўйчининг мокисидек қатнаб, ҳамён фойдасига киракашлик қилиб юрибди, деб деворий газетага ёзибсан. Бизнинг ишимизга ҳадеб бурнингни суқаверасанми, энагар?

Уларнинг мақсади Элмуроддан қасдларини олиш, боплаб унинг таъзирини бериб қўйиш эди. Учакишгандардан иккинчиси Рўзи деган бадбашара, бақувват, қора йигит ҳам Элмуродга ўдағайлади:

— Савил, замон кўтармайди-да, бўлмаса борми, сен активистнинг чақимчи тилингни бурдалаб ташлардим...

Элмурод чидаб туролмади.

— Катталик қилгунча бурнингни артсанг-чи, мишиқи, — деди.

Рўзи: «А, нима дединг?» — деди-ю, Элмуроднинг бошига мушт туширди. Урҳо-ур бошланди. Элмурод битта иккита мушт еган бўлса ҳам ўзига ҳамла қилган икки ҳамкашибининг боплаб адабини берди. Уларни ўтиб кетаётган икки забардаст йўловчи ажратиб қўйишмаганда эди, ҳали-вери муштлашишарди.

Лекин Элмурод бўлиб ўтган бу кўнгилсиз воқеадан ҳеч кимга оғиз очмади. Фақат «Ғани бежиз айтмаган экан-да, улар бирорвга ўчакишса хира пашшадан ҳам баттар ёпишишаркан», — деб ўйлади.

Элмурод бу йигитларнинг эшитган даккилари уларнинг тузалишларига катта сабоқ бўлади, тўғри йўлдан кетишади, деб умид боғлаган эди. Афсус, янгишганини, уларнинг йўлда ҳамон тўғон бўлиб туришганини ҳис этди.

\* \* \*

Элмурод болохонага кўтарилиб, деразадан Замиралар ҳовлисига нигоҳ ташлади. Кўзлари Замирани муш-

тоқлик билан қидиради. «Нега у менга тутқич бермайди? Бирон боиси борми?! Бутун жисми таним унинг ишқида тинимсиз куйиб-ёняпти! Лекин менинг ҳадсиз, оташни севишимга лойиқми ўзи? Вафодор бўладими? Бир куни доғда қолдириб кетмайдими?» Шулар ҳақида ўйларди Элмурод.

У деразадан қўшни ҳовлига тез-тез қараб қўйишни канда қилмас, Замира эшикка чиққанида гоқ бехосдан нигоҳи унга тушар, шунда у ғалати бўлиб кетар ва дарҳол кўзини ҳовлидан олиб қочарди.

Элмурод қўшни қизча билан Замирага: «Илтимос, бир учрашайлик! Сизга айтадиган муҳим галим бор», деган мазмунда хат узатди.

У учрашиш илинжида икки хуфтонгача кўчага чиқиб айланиб юрди. Аммо қиз уйидан чиқмади...

\*\*\*

Зилоладаги ўзгариш мутлақо бошқача эди. Элмурод унинг илтифотли муомаласи, сўзлари, ҳаракатларида ўзгача бир самимият мавжудлигини сезар ва буни қизнинг менга кўрсатаётган ҳурмати белгиси деб тушунарди. Аммо Зилола уни кўриши биланоқ дил ўртовчи ажиси табассум ҳадя этарди. У шўх қарашлари, табассуми билан: «Ҳой, барно йпгит, наҳот илтижоли боқишиларимдан бирор маъно сезмаётган бўлсанг?!» — деяётгандек эди.

Чиндан ҳам у Элмуродга жуда қизиқсиниб қолганди. У ҳақда ўйлаганида кўнгли алланечук бўлиб, орзиқиб кетарди. Унинг тўғрисида мумкин қадар кўпроқ нарсаларни тезроқ билиб олиш ташвишида безовталаниб юрар, Элмуроднинг ўзига бепарво, бефарқ қарашини сира ҳазм қиломас эди.

Элмурод бугун ишдан қайтгач, ювиниб-тараниб, шашар айланишга чиқди. Лабиҳовузга етганида, Зилола унга дуч келди. Эгнида чиройли кўйлак, соchlари зан-

жирдек бир ўрам қилиб, бошида чамбарак тахлит турмакланган эди.

— Ишдан келяпсизми? — сўради қиз.

— Йўқ, шундай айланиб юрибман,— деди Элмурод.— Үзингиз-чи?

— Мен ҳам... Айтганча, мени табриклишингиз мумкин. Бугун учта беш олдим...

— Мен бўлсан «аравамни» зингилилатиб, объектга саккиз машина шағал ташидим...

Қиз шодон қиқирлаб кулди, дадил боқиши, эркаланниб гапириши Элмуродга нечукдир ўринсиз, эриш туюлди.

— Опангиз кўринмайдилар?— сўради Элмурод.

— Ишдалар. «Коммунистик меҳнат зарбдори» бўлмоқчи опам.— Яна эркаланди Зилола.— Юринг, музқаймоқ еймиз. Мен атайлаб шу учун чиққанман...

Улар ҳовуз бўйидаги пештоқида «Мороженое» деб ёзилган павильонга келишди. Йигит музқаймоқ олишга бораётганди, қиз унамади, уни билагидан ушлаб тўхтатди.

— Илтимос, сиз ўтира туринг. Мен ўзим...

Қиз дарров икки товоқчада музқаймоқ олиб келди. Иккиси стол атрофида юзма-юз ўтиришди. Музқаймоқ ейишаркан, қиз Элмуродга ўқтин ўқтин қараб қўяр, сўзлашганида лабидан майнин табассум аrimасди. Унинг йигитга меҳри тобора ошиб борар, Элмуроднинг ҳар бир гапини юрагига яқин оларди. Ў опаси билан йигит ўртасидаги муносабатдан умуман бехабар эди.

— Сиз опангизга ҳеч ўхшамайсиз,— деди Элмурод.

— О, ростданми?— деди Зилола ғалати қараш қилиб.— Янглишмадингиз. Фақат буни бошқача айтиш керак... Опам менга ўхшамайди.

— Нега энди?!

— У бегона. Асранди...

— Нима?!— йигитнинг эти жунжикиб кетди. Ўрида бир сапчиб тушди. Бирдан кўнгли ғаш тортди..

— Асранди, деяпман... Нима бўлди сизга? Мен рост гапни айтяпман. Уни болалигида онам «Болалар уйи»дан олиб, катта қилганлар. Сиз ҳали опамни яхши билмайсиз. У жуда ичидан пишган қиз...

— Яхши эмас. Опангиз ҳақида бундай дейишга ҳақ-қингиз йўқ. Қандай тилингиз боради?— дедп бирдан қизишиб йигит.— Барибир у сизнинг опангиз... Ҳалитдан бундай гапларни айтиш сизга ярашмайди синглим.

Замиранинг асранди экани аниқ эди. Замиранинг ўзи ҳам аслида вояга етгандагина бу сирдан воқиф бўлганди. Кимнинг боласи экани тўғрисида бирор-бир аниқ тасаввурга эга эмас. Тутинди ота-онасига кучли меҳр боғлаганди. Отa-онаси ҳам ҳалига қадар уни сира ўкситишмаганди. Зилолани суйганчалик уни ҳам меҳр билди суйишарди. Лекин у гоҳида ҳақиқий ота-она мөхрига чанқоқдай, муҳтождай сезарди ўзини. Ана шундай меҳрдан тўйиб-тўйиб қониш унга насиб этмаганидан қаттиқ ўксинарди. Замиранинг дили озор еган кишидек ўзини босиқ, ўйчан ва бир оз парншон қиёфада тутиб юришига сабаб ҳам унинг ёш бошидан кечирган аламли, аччиқ қисмати туфайли эди.

— Биласизми, у қишлоқлик қариндошимизга унаштирилган эди,— бир оз шаштидан тушиб, бамайлихотир гапирди Зилола.—Хушламади. Дадам онамга айтдилар, энди яқинда уни ўз шогирдларига унаштирасмишлар. Жуда одобли йигит эмиш. Хотинининг операция устида ўлганига бир йилча бўлибди. Яна ёшига етган қизаси ҳам бор экан,—деди Зилола. У негадир яна қиқирлаб кулди. Унинг кулгиси замирнида опасига нисбатан пин-ҳоний кучли аддиват борлиги сезилиб турарди.

Элмурод Зилоланинг опаси ҳақида қандайдир ҳасад билан гапиришини пайқади. Бу унга ёқмади. Мабодо, ҳали ёш бола-да, ҳеч нарсага тушуммайди, деб ўйла-маганида эди, Зилоланинг бунинг учун кечирмаслиги ҳам мумкин эди.

У эс-хушини тамоман банд этган Замира ҳақида ўйларди. «Дилидаги дардини очиқ-оидий айтолмаслигига, муҳим бир нарсасини йўқотган кишидек хомуш юришлигига сабаб бор экан-да. Яна унинг кўнглида қанчадаи-қанча пинҳоний сир-асрорлар яшириниб ётгандир. Балки пайти келиб, бу сирлардан кимдир хабардор бўлар. Балки ҳеч ким...» Йигит ўйлаган сайн ўйлови чекига етолмас, кўз ўнгидан эса осойишта боқиб турган Замиранинг ҳорғин чеҳраси нари кетмасди.

— Ўнда тўй жуда яқин денг? — сўради у Зилоладан.

— Қайдам... Менга бари бир...—илжайиб елкаларини қисиб қўйди қиз. Иккиси бараварига ўринларида қўзғалишди.

— Мен сиздан битта музқаймоқ қарздорман,— деди йигит Зилолага ўз хаёлларин билан банд кўйда. Қиз киприкларини ғалати пирпиратганча назокатли жилмайди, унинг бу боқишидан ўзгача бир ифода сезилиб турар, аммо йигит ҳозир буни фаҳмлаши қийин эди.

Иккиси биргаликда уйга қайтишди. Қўл қисишиб, еамимий хайрлашишди. Зилола бу хайрлашишин ўзгача талқин этиб, кўнгли бир олам завқ-шавққа тўлди.

Йигит эса тезроқ Замирани учратиш иштиёқида ўртанар, унинг кўнглидан энди Замирага нисбатан муҳаббатдан ташқари. баёнсиз бир шафқат ҳисси ҳам жой олган эди.

\* \* \*

Йигитнинг илтижоли илтимосларига жавобан ишоят Замира шом қоронғисида ҳеч кимга сездирмай уникига келди. Қиз даҳлнзда кўриниши билан йигит қаттиқ ҳаяжонланиб кетди.

-- Келинг!

— Ага, келдим,— деди қиз майин ва алланечук синиқ товушда. Элмурод ун ўтиришга тактиф қилди.—

Сизга жуда зарур гапим бор, деб хат узатибсиз.  
Айтинг ўша гапингизни, нима демоқчисиз?

Элмурод гапни нимадан бошлашини билмай бир оз шошиб қолди. Охири:

—Мен сизнинг розилигингизни олмоқчийдим,—деди дангал.

Бу дадил таклифдан қиз ҳам эсанкираб қолди. Йаблари алланечук титраб, ўзи қизариб кетди. Сўнг нимадандир чўчигандай жиiddий тортиб, нафис бармоқлари билан йигитнинг оғзини тўсди ва: «Йўқ-йўқ, бу ҳақда асло гапира кўрманг» маъносида бошини сарак-сарак лади.

— Мен чин кўнглимдан гапиряпман,— деди йигит қатъий оҳаигда.

— Иўқ, асло бундай деманг, илтимос,—деди қиз оҳис-та ўзига ишончсиз бир тарзда ва титраб, бошини қуий эгди.

Элмурод уни ўз ҳолига қўймади.

— Биласизми, мен толесиз қизман. Сизни умндовор этиб, чин сўз бера олмайман, чунки турмушга чиқиб би-бировдан... — Замира чайналиб, гапиролмай, ерга тикилиб қолди. Сўнг бор иродасини йифиб, тутилин-қираб, қийналиб-қийналиб узрини айта бошлади:— «Сен айбли қиз эдинг», деган таънани ҳеч, ҳеч қачон эшитишини истамайман. Илтимос, яхшиси, мени ўз ҳолимга тинч қўйинг!

Қани энди Замира шу пайт Элмуродга бир йил аввалги бошидан ўтказган кўнгилсиз воқеани айтиб берэ олсайди...

Қиз отасининг узоқ бир қариндошига унаштирилган эди. Унинг унаштирилган йигитидан воз кечишига бoshига тушган ўша кулфат сабаб бўлганди...

Нима бўлдигю, у ўтган куз ишхонасидагилар билан узоқ бир районга пахта теримига борди. Теримда ҳар ҳафта ўзини кўрсатган ёрдамчиларга дам олиш куни йўнга бориб келишга рухсат бериларди. Теримнинг учини-

чи ҳафтасида унга рухсат беришди. У шанба куни тушдан кейин йўлга чиқди. Қишлоқ йўлида узоқ вақт машина кутди. Бахтига шаҳарга борувчи бир юк машинаси тўғри келди. У шартта кабинага ўтириб олди.

Шофёр ўрта ёшлардаги турқи совуқ, бадбашара, бақувват бир киши эди. Ундан ароқ ҳиди анқирди. У бойқушқараш билан қизга тикилиб, илмосқли гаплар ташлади. Замира унинг гапларига қизиқсиниб, бир-икки марта ноз билан қиқирилаб кулди. «Жуда ҳазилкаш экансиз-ку», деб унга шўх қараш ҳам қилди. Шофёр: «Тузоққа илинадиганлар зотидан чоғи», деган ўй билан унга шилқимлик қилишга тушди.

Машина шаҳарга яқинлашганда атрофни қоронғилик чулғаганди. Шофёр бирдан йўл еқасидаги қалин тутзорга қараб бурди. Қиз кабинадан тушиб қочмоқчи бўлиб, қаттиқ қаршилик кўрсатди, олишди, аммо сўнг бошига тушган кучли мушт зарбидан эсини йўқотди...

Шофёр уни шаҳарга кираверишда кабинадан тушириди. У ўзини буткул беҳол сезар, кўз олди тиниб, боши гир-гир айланар, гапиришга, юришга мажоли йўқ эди. Ҳатто у машина номерини ҳам аниқ кўролмай қолди. Фақат кабинадан тушаётганида шофёргинг таҳликали товушда «Оппоқ қиз, эсингда бўлсин, оқ тия кўрдингми, йўқ!»— деб айтган сўзлари унинг ўз-ўзидан шанғиллаётган қулоқлари остида узлуксиз гумбурлаб, акс садо бераётгандек эди.

Ота-онаси Замиранни афтодаҳол бир вазиятда кўриб, воқеани ундан чала-чулла англагач, тутақишиди. Отаси довдирағ, қизни исканжага олди. Жаҳл устида қўлига эрк бериб, Замираннинг юзига бир-икки тарсаки тортди. Онаси фифони ошиб: «Жувонмарг, сенга ким айтди, вақтновақт ёлғиз ўзинг йўлга чиқ, деб. Уйда бало бормиди, сенга?»— деб уни роса уришиб, қарғади.

Шунга қарамай улар ҳеч бир ерга арз этишмади. Аксинча, бор аламини ичига ютишиди. Ёлиқ қозон ёпиқлигича қолди. Агар бу кўнгилсиз воқеани ошкор этиш-

са, кўп оғизга тушиб, қайтага ўз обрўлари тўкилишини, қизлари бундан баттар иснодга қолишини ўйлаши. «Вақти келиб, бирон тенгини топар», деган фикрга боришди. Лекин отаси аламига чидолмай уч-тўрт автобазага ҳам кириб чиқди. Аммо Замира қиёфасини тасвирлаб берган барзанги шофферни учратолмади. Қиз шу воқеадан сўнг ўйчан, босиқ бўлиб қолди...

Бошига тушган бу аччиқ қисматдан Элмуродни огоҳ этишга Замиранинг оғзи бормас, иродаси ожизлик қиласлар эди.

Йигит, барибпр сен менга ёқиб қолғансан, дегандек унга жимгина тикилганча турарди. Ишқ ўзининг бутун қудрати билан унинг фикр-зикрини қамраб, қалбини исканжага олганди. У ортиқ чидаб туролмади. Чаққонлик билан қизни қучиб, оловли юзини қизнинг юзига суртганча, нафис лабларидан қайта-қайта ўна бошлади.

— Ўтинаман, одобсизлик қылманг! Бас, илтимос! — деди қиз хўрсиниб, ялинган товушда. У тўрга илинганинг сингари йигит бағрида питирлар, ўзини ундан қутқазмоқчи бўлиб уринар, йигитни зўр бериб кўкрагидан итарар, лекин унинг қучогидан қутулиб кетолмасди. Қизнинг юрагини ҳам қўркув, ҳам майнин аллаловчи эрка бир туйғу чулғаб олганди.

— Илтимос, бўлди! — ёлворди қиз сал ранжиган оҳангда. Аммо йигит уни эшитгиси келмасди.

— Билсангиз-чи, мен сизни севаман, — шивирлардин йигит ҳаяжондан тўлқинланниб. У Замирани бир умр кафтида кўтариб юришга тайёр эди.

У ўз меҳрини қизга қай йўсинда ифода этишни билмас, уни меҳр билан бағрига маҳкам босган эди. Йигитнинг ёқимли сўzlари, эркалашлари қиз қалбини ниҳояг янга тўлқинлантириб, уни эритиб юборди. Қувонч ва ҳаяжоннинг зўридан жисмига ажиб бир сабрсиз титроқ югуруди. У бошини итоаткорона кўйда йигитнинг кўксига босди. Кўзларидан эса вижирлаб ёш қуйилди...

Октябрь ойи ўрталарида Элмуродга узоқ муддатли командировкага жўнашга тўғри келди. Кетиши олдидан на Замира билан узрлаша олди, на Зилола билан. Пахта теримида сафарбарлик пайти. Иккиси ҳам теримга кетиб қолганди. Йизлаб боришга фурсати эзиқ эди. Элмурод эрталаб вақтли ўйлга тушди. Рулда йўл бўйи хаёл суреб борди. Чунки кеча директор яна чорлаб, унга анча панд-насиҳат қилди. «Ганининг гапида жон борга ўхшайди,—кўнглидан кечирарди у.—Чиндан ҳам директор уларнинг ёнини оляпти. Бирор сир?.. Кечака қақирирганида роса ғашига тегдим чофи. Ўкиниб, койиб берар десам, қайди, қайтанга тилёғламалик билан насиҳат қилишга ўтди: «Иш бор жойда камчилик, етншомвичлик бўлади-да, ука. Энг асосийси коллектив обрўйига доғ туширмаслик! Қайғуришимнинг боиси ана шунда. Деворнинг ҳам қулоғи бор, деганлар. Юз берган ҳар бпр камчиликни мажлисда минбарга чиқиб танқид қиласкерсан, эшитган қулоққа... У кунги мажлисда трестдан вакил борлигини ҳам эътиборга олмадинг. Сўзингда бор камчиликларни очиб ташладинг. Кўпчилик ранжиди сендан. Бунақада коллективда яккаланиб қолишинг мумкин, ука!» Илон ёги ялаганми дейман-а? Нима, энди мен унингча, «билиганини қилишсин» қабилида иш тутишим керакми? Шундоқ ҳам активист лақабини ортиридим. Ийинларда директорнинг юурдаклари «Бугап активистдан чиққан, активист гапирсин», — деб нуқул луқма отишгани отишган. Йўқ! Ҳақиқат барибир юзага чиқмоғи лозим. Комсорг Тоҳирга ишонган эдиму... У ишни бошлишга бошлаб, охирига етказмади...»

Элмуроднинг бундай ноҳақликка биринчи бор дуч келиши. Шу боисданми, ҳақиқатни менсимовчи директорни ёмон кўриб қолганди. Ўқишдалиги, хизматдалиги пайтида бундай турмуш ғовларига ҳеч дуч келмаганди. Мана, автобазада иш бошлаганига энди олти ойдан ошди. Ҳаётнинг жуда мураккаблигини, баланд-пастини анча-мунча тушунди. Ўз бурчини чуқур ҳис этадиган бўл·

ди. Бироқ бу ерда иш шу қадар чигил эдики, у ҳозир ўзининг нега Газлига командировка қилиниши сабаби-ни ҳам билмасди...

Трестдан директорга телефон қилишди. Шаҳар ҳалқ контроли комитети 18-автобаза ишини текшираётганини, Султон Жалилович раҳбар бўлган автобазани ҳам гек-шириши эҳтимоли борлигини айтишди. Директор: «Эл-мурод яна бирор балони қўзғатиб қўймасин, комиссия олдида шарманда бўлмай», деган ўй билан уни олов-корлар маскани Газли посёлкаси қурилишига икки ой-лик командировкага юборди. Дарҳақиқат, Султон Жалилович янгишмаганди. Чиндан ҳам Элмурод автоба-задаги тартибсизлик кўзбўямачилнкларни ҳалқ контроли комитетига ёзганди...

Элмурод навбатдаги рейсдан қайтиб, вагон-уйчага энди кирган эди, ошпаз йигит чорлаб, унга хат келга-нини айтди. У ҳовли эгаси Рисолат бувига йўллагаш мактубига жавоб хати келганини кўриб, суюниб кетди. Ҳовлиққанча конвертни очиб, хатни ўқишга тутиндид.

«Салом, Элмурод ака! Согмисиз? Ишлар билан ҳор-манг? Кетишингиз шундай бир пайтга тўгри келиб қол-дики, хайлышолмай ҳам қолимиз.

Буви сиздан жуда хурсанд, миннатдорлар. Ёзган ха-тиңгизни ўқиб бердим. «Барака топсин, унумтмай йўқла-ди. Бир бор туз тотган ерга минг бор таъзим қил, деган-лар. Ақлли йигит экан», дедилар. Мендан сизнинг хатиң-гизга жавоб ёзиб, кўпдан-кўп саломларини етказишимни сўрадилар...»

Элмурод хатни Замира ёзган деган тахминга бориб, ҳаяжон билан яна ўқий бошлади:

«Адресингизни қандай билсан экан, деб ўйлаб юрган эдим. Қийимларингизни ювгани олиш учун болохонага охирги марта ўғринча кўтарилиганимда китоб орасида турган суратингизни кўриб қолдим. Ана шу суратингиз менда. Ҳар куни шу суратингизга узоқ тикилиб сизни эслайман...

Менга хат ёзмоқчи бўлсангиз, уйимиз адресига ёзинг!

Оиламизда яна бир янгилик: опамга совчилар келишяпти. У эса турмушга чиқишга сира унамаяпти...

Сизга чексиз ҳурмат билан: З...»

Элмурод хатдаги сўнгги сатрларни ўқиб улгурап-ул-гурмасидан, бошига залварли мушт туширилгандек, чаккалари лўқиллаб, кучли оғриқ туди. Уни ички бир фарёд, алам ларзага солди. У қалбида эъзозлаб, авайлаб келаётган илк севгисини бой бераётгачини ҳис этди...

«Иўқ! Усиз бу дунё менга буткул қоронғи. Ҳозироқ бориб телеграмма йўллайман. Телеграмма!»

\* \* \*

Аллақандай бир ғойибона қудратли куч Зилолани Элмурод ҳақида жўшиб-жўшиб, ташналиқ билан ўйлашга ундарди.

Элмуроднинг Замирага уйланганига ярим йилдан ошди. Элмурод ўшандаги севгилисига сирли мазмунда шошилинч телеграмма йўллаб, уйига ҳам мактуб ёзганди. Замирага совчи юборишни сўраганди. Бу хабардан унинг туғишганлари ғоят хурсанд бўлишди. Чунки кексайиб қолган ота-онаси унинг уйланиши ҳақидаги розилигини кўпдан илҳақ бўлиб кутишарди. Улар шаҳардан қирқ чақирим йироқдаги Оромгоҳ қишлоғида ҳаёт кечиришарди. Бирдан-бир опаси олис районга турмуш қуриб кетганди. Ҳар борганида ойиси: «Ўғлим, кўз остингга олиб юрган қизпнг бўлса, тортинмай айта қол! Тараддуд кўриб, биз чол-кампирлар ҳам орзу-ҳаваснмиэга эришайлик»,—деб, уни қистовга олишарли...

Элмуроднинг хатидан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас, отаси бошлиқ совчилар Замиралар ҳовлиси дарвозасини тақиилатишди. Сўнгра тез орада тўйлари бўлди. Замира бир ойча қишлоқда тургач, қайнота қайнонаси: «Эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда бўлгани маъқул. У борйўғи ҳафтада бир-икки марта келиб кетса, сиз унинг йў-

лида кўзингиз тўрт бўлиб, қисиниб кутсангиз, бунда турмуш бўладими?»— дейнишиб, унга шаҳарда туришга розилик беришди. Замира севикли ёри бағрига қайтди. Иккиси ўша қадрдан болохонада аҳил яшай бошлаши.

Зилоланинг тўй олди ва унаштириш кечасида кечирган азоби ниҳоятда оғир, чексиз бўлди. Ўнинг тўйдай кейин тортган уқубати эса олдингидан ҳам минг чандон ортиқ эди.

Зилолага Элмурод дунёда ҳаммадан ақдли, ҳаммадан кўҳлик бўлиб туяларди. Қизнинг кўксига милт этган ўт энди борган сари кучли бир аллангага айланисб борарди. У гўё кўпдан хаёлларида ардоқлаб юрган нарсасини топаётгандек бўлар, ҳадеб Элмурод ҳақида хаёл сураверганидан, ҳаётида умуман ором-фароғат қолмаган эди. «Нималар бўляпти ўзи менга? Сира тушуна олмаяпман, — ўйларди Зилола. — Нега бунақанги аҳволга тушиб қолдим-а? Сабот-бардошимни бутуний йўқстяпман-ку...»

Кунлар ўтиб борган сайин Зилолани Элмурод билан тез-тез учрашиб туриш истаги баттар қийнарди. Йигитнинг самимий, осойишта боқиб туриши, қиёфаси хаёлидан кетмасди. «Хўш, поччам билан тўғри кўнгилда юришиликка менга нима монелик қиласди? — ўйларди баъзан Зилола.— Уни тез-тез кўриб, суҳбатлашиб турсам, балки бу қийноқлардан қутулиб, оз бўлса-да, енгил тортарман. Ахир, уни чин юрагимдан ёқтирганлигими сезиб, чуқур ҳис этиб турибман-ку!»

У ўзига ақл бовар қилмас нўйл танлаб, шу йўлдан қатъияткорлик билан бораётганини, бу номаъқулчилиги оқибати нима билан тугашини ўйламас эди.

Тутинган опаси эса турмуш қургандан сўнг жуда кўримли, эслп-хушли аёл бўлиб қолганди. Ўзини чинакам вафо соҳибаси, садоқат эгаси деб биларди. Юриши туришида, сўзларида ҳалим-ҳазим, ибо-одоб бир қадар мужассам бўлганди. У юмшоқтабнат бўлишин билан биҳ-

га, ўта рашкчи ҳам бўлди. Кўча-кўйда эри билан юрганида гўё унга қизлар эрига суқ билан, ҳавас билан қа-раётгандек туюлар, шунда бирдан рашк ўтида қовурилиб, вужудига титроқ югуради. Эрига қаттиқ боғланиб қолган эди. У турмушга чиқунга қадар ҳеч бир йигит унга ишқ изҳор этмаган, ўзи ҳам ҳаётидаги юз берган нохушлик сабабли ҳеч бир йигитга дилдан кўнгил қўйсл-маган эди. Бахтига ақлли, келишган, кўнглидагидек қусурсиз йигит унга ёр бўлганидан гоятда мамнун эди. Эрига жиндек бўлса-да, озор бергиси келмас, қўлидан келганча меҳр кўрсатар эди. Лекин унинг юраги ҳамиша бир нарсадан гаш эди: эридан хавфсираб юради. Эрим оиласвий турмушини мендек иффатсиз қиз билан бошлаганидан ўксиб, пушаймонда, армонда юрган эмас-микан?! Мен-ку, унга содиқман. Лекин у ҳам менга са-доқат кўрсатаётганимикан? Ёки тўғри келгандан машинаси кабинасига қизларни тушириб тараллабедод қилиб юрибдимикан? Шоғёр зотига ишониш қийин албатта. Гулдек ҳаётнинг чанг солганди-ку, ахир биттаси! Йўғ-э, менинг эрим унақа бемаъни шоғёрлардан эмас. Барин бир шоғёр бўлиб ишламагани маъқул эди. Ишқилиб, мендан айниб қолмаса бўлгани...»

У эрининг ўзига чиндан кўнгил қўйган-қўймаганилигига шубҳа билан қаради. Эри унга сал оғир ёки ўрич-сиз гапирса борми, кун бўйи ўйланиб юради. У эрина зидан шунчалик диққат ва эътибор билан кузатар эдики, ҳар бир ҳаракати, қарашларидағи самимий ва носамимилик аломатлари унинг ўткир назаридан қочиб қутулолмасди. Ҳалига қадар эридан андак ҳам совуқ-лик, ёқтираслик аломатларини сезган эмасди. Лекин эрининг уйга вақт-бевақт келиши, турли-туман жойга борганини важ қилиб кўрсатиши, гоҳида ҳафталақ командировкада бўлиши унга сира ёқмасди.

Замирадаги эрига нисбатан ишончсизлик, шубҳа билан юриш ва кучли рашки уни борган сари асабийлаштириб, инжиқ, зиқна кишига айлантираётган эди. Эри-

нинг машинасига тушганида кабина ичида сал-пал атири ҳидини сездими, тамом, эрига: «Қайси бир жононни ўтқизган эдингиз, бир қоп духи сепган эканми ўзига? Кабина ичида ҳаво ўрнига атири ҳиди анқийди»,—дерди. Кейинчалик эрининг сал ҳазил гапига ҳам ранжиб, жиғибийрони чиқадиган бўлиб қолди. Рашқ қилиши шунчалик даражага бориб етдики, ҳатто ҳар куни эрини сўроққа оладиган одат чиқарди. «Машинангизга йўловчи қизларни туширмадингизми? Бирорта ойимчани туширгансиз, дейман...» каби ўринсиз саволлар ёғдиравериб, эрининг ғашига тегар, эри унинг бундай инжиқлик одатини сўнгги пайтлар ҳомилали аёлларда учрайдиган табини бир ҳолатга йўярди.

Зилола опасиникига тез-тез кирп бунарди. Опаси кўнгли сиққанидан унга айрим уй юмушларини буюрар, Зилола эса опаси нимаики иш буюрмасин, бажониди бажаарарди. Замира синглисининг ҳурмати, меҳри ортиб бораётганидан фоят мамнун эди. Аммо Зилолапинг уларникига тез-тез ўтиб туришининг боиси танҳо ўзига аён эди. Бундан ташқари, опаси декрет отпускасида, оғир юмушни бажара олмаслигини тушунар эди. Яна сиргқа бўйлимда ўқишлар бошланган пайт. У дарсдан голиқиб қайтарди. Эри эса рўзгор, оила ташвиши билан банд. Элмурод ота-онасини шаҳарга кўчиб келишиб, вақтинча бўлса-да, бирга туришга қанчалик унамасин, улар рози бўлишмаганди. Лекин Элмурод хотини билан ҳафтада, ўн кунда чол-кампирдан хабар олиб туришар, улар ҳам ора-сира келиб туришарди.

Замира бирор-бир ишини эридан маслаҳатсан қиласди. Унинг имтиҳонга тайёрланиб юрган пайти эди. Эрига маслаҳат солиб қолди: «Туғишган синглим бўлганида ҳам балки Зплолачалик менга қарашмасди. Мен уззукун ўқниш билан овора. Бутун уйимиз юмушн унинг зими масида. Бугун туғилган куни. Лозим кўрсангиз бирорта совга...»

«Ақлли хотиним бор-да! Ким ҳиммат қиласа, кўнгли-

ни олишга интилади, яхшилигига яхшилик қайтармасдан қўймайди,— ўйлади Элмурод. Синглиси ҳам анча ақлга кириб қолди. Албатта уни хурсанд қилиш керак...»

Эр-хотин ўша куни бирга магазинга тушиши, чиройли соат харид қилишиб, соатга Зилоланинг исми ва табрик сўзлари ҳам ёздиришди.

— Совғани сиз обориб беринг. Уйдагилар ҳаммаси сиздан хурсанд бўлишади,— деди Замира.

Элмурод бу таклифни маъқул кўриб, қайнотасиникига ўтди. Зилола мактабдан қайтган, уйда китоб ўқиб ўтирар эди. Элмурод уни туғилган куни билан табриклаб, қўлига соатни тақиб қўйди. Шунда қизиқ бир ҳолат рўй берди. Зилола Элмуроднинг бўйнидан шарт қучиб, унинг юзидан чўлпиллатиб ўпич олди...

\* \* \*

Элмурод билан ўчакишиб қолган Рўзи тинч юрмада. У Элмуродни иложи борича обрўсизлантиришга уринар, қандай қилиб бўлмасин, аламини олиш йўлларини изларди.

Бугун Элмурод автобазага сал вақтлироқ қайтди. Машинаси стартери кун бўйи тихирлик қилганди. Очиб электрикка кўрсатди. Тузатиб, ўрнига жойлаштириди.

Машинасини ремонт қилаётган Рўзи унинг идора томон кетганини кўргач, дарҳол ўз машинаси қутисидан домкратни олди-да, ҳеч кимга сездирмасдан Элмурод машинасининг кабинасига қўйди. «Ана энди мендан кўрасан, халқ контролига ёзиш қанақалигини...» ғўлдиради ичидан севиниб. Кейин машинаси олдига бориб, шовқин кўтарди:

— Домкратим йўқ. Қайси аblaҳ олди? Ўв, қоровул, бу ёққа келинг!

Қоровул чол маймоқланиб юриб, Рўзининг олдинга келди, бир фурсатда атрофдаги шофёрлар қам йигилиш-

ди. Ҳамма: «Ким олди экän? Вунаقا бемаъниликка чек қўйилган эди-ку»,—дегандай таажжубланиб туришарди. Ҳуллас, тинтув бошланди. Тўргинчи бўлиб Элмуроднинг машинаси тинтувдан ўтказилди... Йўқолган домкрат унинг ўриндики остидан топилди. Тўпланганлар Элмуроднинг бундай қўли эгрилик қилишига ишоњишмай, унга шубҳаланиб қарашар, ҳар ким ҳар хил гапиради. Элмурод ногаҳоний туҳматдан юраги ачишиб, бирдан куюниб тутақди:

— Бўғтон... Қаёқдан пайдо бўлди ўриндиқ остида бу домкрат, мен билмайман...

— Сен олган бўлмасанг, арвоҳинг олиб беркитган экан-да,— деди бақириб Рўзи ва Элмуродга яқин бориб, қўлини пахса қилганича, тутақиб гапира бошлади: — Ўв, активист! Ҳув, ўтган қишида шунақанги иши учун қўлга тушган шофёрни тутганимизда шармандасини чиқарган ўзинг эмасмидинг? Энди сенинг ҳам тумшуғинга тушпрпб, шармандангни чиқармаймизми...

Кўчага чиқиб кетган пакана бўйли Мастон келиб қолмаганида, Элмуроднинг ахволи таанг эди.

— Нима гап ўзи?!— сўради Мастон ва юз берган воқеани англағач, Рўзининг тумшуғига муштини дўлайтирди.— Ҳали шунаقا дегин-а? Вой, хумкалла-ей! Боягина менга ўриндинг остидан насосингни олиб бердинг, шундайми? Ўша пайтда/домкратинг қутида турган эмасмиди?! Элмурод билан мен бирга кетдик, сен бўлсанг машинанг олдидан қимиirlаганинг йўқ. Элмурод идорага кирди, мен магазинга папирос олишга бордим. Ҳўш, гапир-чи! Ёлғонни ишлатишга устихонинг йўқ-а?!

Рўзи бирдан довдираб қолди. Ранги бўздек оқарди. Тўпланганлар унинг ўзини қоралашга тушишди:

— Ҳайф сенга шу йигитлик-э!

— Сурбет, уятсиз...

— Ёлғон гапиряпти. Ишонманглар унга!—талмовсираб қолди Рўзи.

— Бўлди, бас қил вайсақиликни!— ўшқирди Мастон,— Элмурод арпангни хом ўрганми?..

— Э-э, қачондан бери тарафкаш бўлиб қолдинглар!— мингирилади Рўзи.— Йигитмисан ўзи? Икки юзламачи...

— Бўлди қил, сувни шунча пайт лойқалатганинг етар,— деди Мастон.— Ўтган қиши Элмурод жоқимга ора кирмаганида ҳозир бу ерда гапириб турмаган бўлардим. Сен қалин дўстим бўлсанг-да, ўшанда ҳолимга ачинмагандинг! Даشت биёбонда нажотсиз қолганимни кўрдинг, лекин ўзингни гўлликка солиб, жонингнинг ҳузурини кўзлаб қочдинг. Илло-билло яна мени кўрмаганга чиқардинг...

Чиндан ҳам ўтган қиши чирсиллама, шафқатсиз аёзли кунлар бўлди. Бир ой сурункасига қор, ёмғир ёғди. Ер қалин музлади. Чўл жойларда устма-уст ёқкан қорнинг қалинилиги салкам бир метрга етди. Бухоро воҳаси икки ҳафта қуюқ туман пардасига бурканди. Аччик аёз воҳани заптига олганди. Чорванинг аҳволи бутунилай танг бўлиб қолди. Чўпон-чўлиқлар ташвиши ортди. Автобазалардан ёрдам группалари тузишли. Элмурод ишлаётган автобаза Ўртачўлнинг Испанили массивидаги отарларга комбикорма, кунжара каби озуқаларни ташшарди. Чўлга борувчи асосий йўлларни грейдер тақсан бульдозерлар ҳар замон-ҳар замонда қордан тозалаб турар, йўлнинг баъзи оғир нуқталарида юкли машиналарни бульдозерлар шатакка олиб, анча масофагача тортиб борарди. Чунки йўллар қордан тозаланса-да, яна тунлари кучли бўрон кўтарилиб, қор кўчирад, йўлларнинг пастқам ерларини қалин қор гилами қоплар, сон-саноқсиз қор барханчалари пайдо бўларди. Ана шундай пайтларда бу йўлларда таваккал қилган шофёр қаттиқ пандерди.

Элмурод машинаси орқа фидиракларига занжир тўр ўраб олганди, лойли йўллар унинг машинасига писанд эмасди. Пўстин кийиб олган Элмурод юкни белгиланган

отарга етказди. Телпаги қулоқларини тушириб, чакмона нига ўралиб олган яғриндор чўпон қувониб, миннатдор чилик билдириди.

— Барака топ, ука,— деди у Элмуроднинг елкасига оҳиста шапатилаб,—кечадан бери саксовул, юлғун-шоҳларини эзғилаб, майдалаб, жониворларни авраб турибман. Тирик жон кавшаб турмаса, ўлиб қолади. Қўрадан олиб чиқай, десам, ўт-ўланларни қиров қоплаган... Еса ичи музлаб, бола ташлайди. Қиров сумалакларини калтаклаган билан синдириб бўлмайди. Қоладиган чўтинг бўлса, тортинмай айт, ука. Ўз қўйимдан биттасини дарров сўяман.

— Боришим керак!—эътиroz билдириди Элмурод.—эртага яна дағал хашак олиб келаман...

— Ростми? Илоҳи, кам бўлма-да, ука!— деди чўпон мамнун кўйда.

Элмурод хайрлашиб, йўлга гушди. Ястаниб ётгани поёнсиз саҳро ортда қолиб, тош йўл чорраҳасига етганида думалоқ юз, япасқи бурунлп бульдозерчи йигит кабинадан сакраб тушиб, унга қўл кўтарди. Бу йигит уч ҳафтадан бери шу чорраҳада туради. Шаҳарга борувчи асосий йўлга чиққунча қирликдан бир ярим чақиримча баландликка кўтарилиш лозим эди. Ер сатҳи музлаб, сирнанчиқ бўлиб қолганидан юқ машиналари трактор ёрдамисиз юқорига кўтарила олмасди.

— Ўв, оғайни! Нариги йўлдан бир ҳамкасбинг ўтиб кетди. Анча бўлди кетганига,— дея шошқин солиб гапириди бульдозерчи йигит.— Айтишича, бир шофёрнинг машинаси қорга ботиб қолибди. Бораӣ десам йўл олис, бошқа машиналар келса, тўхтаб қолади. Бориб келолмайсанми? Айтиб бўлмайди, бу совуқда бирор кор-ҳол юз бериши мумкин...

Элмурод шошилинич гарзда машинасини қайтариб, тракторчи кўрсатган йўлдан физиллаб кетди. У йўқ, бора олмайман, деб баҳона қилолмасди. Шундай деб айтишиликка виждони қабул қиласди ҳам.

«Вой, ярамас, иотанти!.. — у Рўзининг қилмишидан қаттиқ ранжиб, хаёлида у билан олишиб, койиниб борарди.— Шофёрлар одатини бузибди·я, номард! Яхши биласанки, биз «аравакаш»ларнинг машинамиз юриб турса бўлгани, биздан хурсанд киши бўлмайди. Машинамиз оқсаб қолганда таъбимиз хира бўлишини ҳам тушунасан. Бундай ҳолга қайси бир шофёр дуч келмайди дейсан? Бундай пайтларда кишининг ўткинчи шофёрларга кўзи тўрт бўлишини ҳам яхши биласан! Шундай қаҳратонда бу дашти биёбонда нажотсиз ёрдамга муҳтож қолган ҳамкасбингни қўлламай кетишликка қандай кўнглинг бўлди·а? Виждонинг қийналмайдими? Ўт кетсин ундан виждонга!»

Саҳарда ёлғиз қолган касбодошини ташлаб кетишилик нияти Элмуроднинг ҳатто фикри хаёлига ҳам келмасди. У ўн чақиримча юрганида, қаққайиб турган бир юк машинаси кўзига чалинди. Яқипроқ боргач, машинани номеридан таниди. Мастонники. Машина атрофида ҳеч кимса кўринмасди. Элмурод кабинадан сакраб тушди·да, югуриб бориб, шитоб билан кабина эшигини очди. Қабина ичидаги Мастон ғужанак бўлиб олгаи, оёқ-қўллари увушиб қолган, лаблари гапга қовушмас, тишлари тақиллар эди.

— Мастон, кўзингни оч, оғайни!— деди Элмурод унинг совуқдан кўкарган юзига озорсиз шапатилаб.— Сенга нима бўлди? Юриб турсанг, бунчалик совқотмасдинг·ку!

У орқа чўнтағидан япалоқ шиша чиқарди. Пўкагини тиши билан очиб, Мастонга бир-икки қултум спирт ичирди.

— Ҳозир, ҳозир, бирпасда ўзингга келасан,— у шошқинлик билан Мастоннинг қўлқопи, этигини ечиб қўллари, оёқларига спирт суртди. Кейин баданига ҳам. Орадан анча фурсат ўтгач, Мастон сал·пал ҳушига келди. Зўрға ғўлдиради:

— Беш соатдан бери шу ерда турибман. Машинам

қорга ботиб қолди,— чакаги шақиллаб гапирди у.— Қанча уринмай чиқара олмадим. Ўчиб қолгач, қайтиб ёнмади. Икки соатча у ёқ-бу ёққа югуриб-югуриб түрдим. Чарчадим. Безгак тута бошлади. Ҳув нариги йўлдан Рўзи ўтиб кетди. Қўлимни кўтариб қанча бақирмай машинасини тўхтатмадп. Қўрмади десам, масофа юз эллик метрдан ошмасди. Қўрмаганга солди ўзини. Хайрият, келиб қолдинг, дўстим. Агар бу ерда қолиб кетсам ҳолим нима кечарди?— овози титраб кетди унинг.— Батамом музга айланиб қолган бўлармидим...

Иккиси ғилдираклари қорга ботган машинани шаттакка тақишиди. Элмурод қор-ёмгири кунларда ҳамма вақт машинасида икки-учта қалама чўп олиб юради. Ў кузов остига қўйган қаламаларни олиб, Мастон машинасининг орқа ғилдираклари остига ташлади. Иккиси уч уринишида қорга ботган машина жойидан қўзғалди. Аммо машина ёнмади. Мотори, радиаторидаги сув тамоман музлаб қолган экан.

Элмурод манзилга етгунча унинг машинасини шаттакка олиб келганди.

— Қозонга яқинлашсанг қароси юқар, ёмонга яқинлашсанг балоси, деганлар,— қизишиб кетганидан кескин оҳангда Рўзига гапини уқтиради Мастон,— сенларга қўшилиб маломатга қолдим. Сенга энди маслаҳатим шу. Бир оз қуйил! Эснинг борида ақлингни йигиштириб ол! Ҳамкасларимизнинг биздан нафратланиб юргани етар!

Жаҳли чиқиб турган қоровул чол:

— Вой, хумса-еїй,— деди. У баъзи бир маҳмаданаларни шундай койирди.— Ҳеч бўлмаса сал ор қил! Элмурод билан Мастоннинг ташқарига чиққанини ўзим кўрдим-ку! Эсиз йигнтилик! Қуруқдан-қуруққа номаъқулчилик қилиб, одамларни ишдан қолдирганингга уялсанг бўлмайдими? Ҳе, туҳмат ёқангга ёпишсин сени!— чол унга танбех бериб, бошини сараклатганича маймоқланиб юриб, дарвоза томон кетди. Элмурод фоят асабийлашиб.

жаҳли чиққанидан бутун вужуди ёнар, қалт-қалт тит-парди.

Ҳақиқат Элмурод томонга ўтганини кўрган Рўзи турган ерида уккиникидек беқарор кўзларини ўйнатиб, бетиним валдиарди.

— Ҳеч тушунолмай қолдим. Бу қандай гап-а?! Ўғри қўлга тушди-ю, яна қўлга туширган киши айбор бўлиб қоляпти. Ҳақиқат борми ўзи?—Рўзи қилмишидан тониб айборлигини ҳеч тан олмас, ичидан зил кетаётган бўлса-да, яна ўзини оқлашга уринар эди.—Ҳақни айтиб, бўхтончи бўлдик-да энди биз. Ҳақиқат йўқ ўзи сенларда. Биламан, ҳаммангнинг тилларинг бир!

\* \* \*

Кенг майдон бўйлаб музика садоси янграр, ёшлар рақсга тушишар эди. Неон чироқлари шуъласидан майдон сутдек ёришган.

Элмурод билан Зилоланинг тинимсиз рақсга тушги-си келарди. Элмурод қизнинг илтифотига эътиборсиз қарап, рақсга тушишга хоҳиши йўқлиги хатти-ҳаракатларидан яққол сезилиб турарди. Аммо Зилола бунга эътибор бермас, тотли ўйлардан сармаст эди. У ҳар бир ҳаракати, юз-кўзларидаги ҳар бир ифода билан Элмуродда кўпроқ ва кучли таассурот ўйфотишга, унинг эътиборини тамомила сеҳрлаб олишга ҳаракат қиласиди. Элмурод эса бутунлай бошқа хаёл билан банд эди. «Нега Зилола менга бунчалик кучли меҳр боғлаган?—ўйларди Элмурод.—Ўзини менга ҳаддан ташқари яқин тутяпти. Опасига уйланмасимдан олдин ҳам шунақа эди. Унинг муносабатларидаги яқинлик бошқача бир меҳр билан боғлиқ бўлса-чи?»

Бундай кечалар ўнинчи синфни битирувчилар учун анъанага айланиб қолган, битирувчилар ҳаётга мустақим қадам қўйишлирини бокира тонгдек мусаффолик

билин бошлаш ниятида шаҳардаги Қизил майдонга тўпланишиб, ўйин-кулги билан порлоқ тонг отишни кутар эдилар. Тонгни қаршилашга йигилган ана шу дилкаш кечада ўзга битнрувчилар қандай рақсга тушиш япти, Зилола сира парво қилмас, Элмурод билан бирга эканидан мамнун эди.

Элмурод ғашланиб, ўзини бир четга олди. Қейин қизга қайтиб кўриниш бермади. Чеккароқдаги йирик чинор танасига ўтиб олиб, узоқдан Зилолани кузатди.

Зилола атрофга аланглаб уни излар, рақсга таклиф қилган йигитларга рад жавоби қиласди... Ахир у унүтилмас бу тонгни қаршилаш кечасида Элмуроднинг бўлишини истаб, опаси, уйдагиларни кўндириш йўлида озмунича азият чекдими!

\* \* \*

Бухоронинг шимолида, чамаси, юз йигирма чақирим олисида Шўркўл сув омбори бунёд этилмоқда эди. Иншоот қурилишида область районлари ва кўпгина ташкилотлардан шоғёрлар, қурувчилар қатнашишмоқда эди.

Элмурод, Фани ва яна икки ҳамкаси комсомол-ёшлилар бригадаси бўлиб сув омбори қурилишига келишган. Уч ҳафтадан бери Кўчма қизил байроқ уларнинг бригадасида эди.

Қурувчилар қора уй, брезент чодир ва вагон-уйчаларда яшашар, улар ўрнашган жой узоқдан қарабандада, кишига худди бетартиб қурилган кўчманчи лўлилар қароргоҳини эслатарди.

Тўрт ҳафта ичида қудуқ қазиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу иш қурувчиларга осон кўчмади. Бир мегр қазилмасдан тош чиқди...

Қудуқ қазиш ишлари жуда мушкуллашиб кетди. Чўкич, болғалар, ломлар, компрессорли ер қавлагичлар ишга тушди, етти-саккиз метр чуқурликда қудуқни қа-

зиш, яна унинг остики қисмидан доира шаклида бир-бир ярим метр кенгликда камар қазиши мислсиз матонатни талаб этарди. Бунинг устига жазирама иссиқ, қуёш кун бўйи аждаҳодек олов селини пуркаб турарди. Кўйлакчан, майкачан ишлаётган қурувчилар баданидан тер маржонлари томчилар, кўзларига кириб ачиштиради. Тақа-туқ, тарақа-туруқ садолар қулоқни қоматга келтиради. Қудуқларнинг остики қисми ишловчиларга ниҳоятда қийин эди. Тошга урилган ҳар бир болта, чў-кич овозидан кучли акс садо эшитилиб, қулоқ пардаларини тешай дерди.

Портлатиш ишлари қиёмига етгач, иш янада қизиб кетди. Портлаш туфайли ҳосил бўлган ҳадсиз-ҳисобсиз катта-кичик тош парчаларини канал сатҳидан кўчириш лозим эди. Қовшли бульдозерлар тош уюмларини суришиб, машиналарга йўл очишар, экскаваторлар бўкириб ишлаб тош юклашарди. Иншоотнинг тўрт тарафидан турли хил самосваллар худди турнадек тизилишган, кузовлари юқдан тўлдими, дарров бир қалқиб ўриидан қўзғалишар, худди қия яssi қирликка кўтарилаётгандек канал ичкарисидан юқорига қараб ўрмалашар, уларнинг овозларидан ажойиб бир симфония таралаётгандек туялар эди...

Элмурод юқорига кўтарилаётганда эллик метрча олдинда бораётган машинанинг бирдан тўхтаб қолганини ва аста-секин ортга тисарилиб қелаётганини кўриб, капалаги учайди: «Тентак, учинчи тезликда олган эканда».

У чаққонлик билан машинасини тўхтатди. Учириб, қўл тормозини кўтарди. Қабинадан сахраб тушди-да, олдинга қараб югурди. Тисарилиб келаётган машина га етиб боргач, оёқ осигида ётган катта бир тош бўлагини дарҳол кўтариб, орқа фидирак остига ташлади. Тисарилиб келаётган машина яна бир метрча орқага силжигач, фидирак остидаги тош бошқа бир тош парчасига эҳтиётроқ тиравиб қолди. Машина тўхтади. Ун-

гача Элмурод яна бир тош бўллагини иккинчи ғилдирак остига келтириб қўйди.

Ранг-қути ўчган йигирма беш ёшлардаги сепкилдор, озғин йигит кабинадан ҳовлиққанча тушиб келди. Титроқ қўлини Элмуроднинг елкасига қўяркан:

— Раҳмат, биродар! Бу яхшилигинизни ҳеч қачон унумтамайман,— деди.— Сал қолди кутилмаган фалокат юз беришига... Мен ҳафтафаҳм мотор кучига ақидалик қилиб, учинчи тезликка олган эдим, тўсатдан ўчди-қолди. Аксига олиб, компрессор ҳам ишламасдан қолса бўладими? Қўл тормозининг тросси чидаш бермади, узилиб кетди. Шошиб қолганимдан нима қнларизни билмай қолдим...

— Мотор қайтиб ёнмадими?

— Иўқ. Энди нима қилсан экан-а?

— Шатакка оламиз.

— Шатакка?— инонқирамагандай қаради у Элмуродга. — Юки оғир-ку! Торта олмас? Ёки юкини афдайми?

— Ўйлаб гапиряпсизми ўзи?! Машинангизга қарангчи, қандай ҳолатда турибди? Мувозанатини йўқотса борми, орқага ағдарилиб кетди деяверинг...

Чиндан ҳам машина қия ясси ерга келиб қолганди.

Элмурод машинасини олдинга ўтказиб тўхтатди. Шу пайт юкни бўшатиб, пастга тушаётган бир машина шофери тирсагини эшик ромига қўйиб, бошинн чиқарганча машинаси тезлнгини паса ўтириди.

— Ҳа, нима бўлди, ҳамкаслар?— сўради у.— Ердам керакмасми?!

— Ўзимиз эплаймиз,— жавоб берди унга Элмурод ва ёнида гуноҳкордай серрайиб турган ҳамкасбидан сўради:— Қайси автобазадансиз?

— Үн еттинчидан. Исмим Шариф.

— Донғи кетган коллективданман денг?

— Ҳа, сиз-чи?

— Етмиш биринчидан...

Элмурод узун трасс билан машинани шатакка илдирди.

Ўнқирчўнқир қия яссилик бўйлаб, машина машинани судраши арқонга осилиб, тоққа кўтарилишдан ҳам қийин эди. Аммо Элмуроднинг машинаси, янги ремонтдан чиққан МАЗ самосвали шатакка олинган машинани биринчп тезликда бемалол тортиб борарди. Масофанинг энг қийин, машина қисми босиб ўтилди. Энди текис йўлга чиқилганда кутилмаганда олдиндан тарс этиб, кучли овоз чиқди. Элмурод тормоз педалини босди, кабинадан сакраб тушди. Қапотни кўтарди. Машинаси мотори зўриққанидан ёрилган эдн.

Бир фурсат моторни қуюқ тутун аралаш аланига қоп лади. Иккаласи ҳарчанд уринмасин, буруқсаб авж олаётган алангани ўчиришга ожизлик қилишарди. Ўт қисқа фурсат пчидага зўрайиб, унинг кабинага ўтиш хавфи туғилди. Кабинага ўт кўчса, ёқилги бакига урилиб ёрилиши, Элмурод машинасидан буткул ажратлиши турган гап эди. Қарши томондан, ортдан этиб келган шофёrlар ёрдамга шошилишди. Қўпчилик мотор устига палапартиш қум сепишарди. Шариф талвасага тушганидан кабинасида ўт ўчириғич борлигини ҳам унугран эди. У ўт ўчириғич ёдига тушиб, «ҳозир», дей машинаси томон югурди, Элмурод эса кабинадан сакраб чиқди. Костюмини олди. Уни кенг ёйиб, ловуллаётган аланга устига ёпти. Костюм энсизлик қилди. Ўзи ҳам шошинқираб, кучли саросимага тушиб қолганиданмн ёки юқорига ўрмалаётган аланга аралаш қуюқ тутун юзини ямлаш хавфидан чўчидими, сўл томонгач гавдасини энгаштироқчи бўлганди, эҳтиётсизлик қилиб, тасодифан вазнсизлик ҳолатини йўқотиб қўйди. Чап қўли бармоқлари қизиган мотор корпусига жип этиб елимдек ёпишди. У жон ҳолатда ўзини ерга ташлади.

Ҳар ҳолда, кўпчилик бўлишиб, хавфни бартараф этишди. Элмуроднинг қафти, бармоқлари ачишиб, зирқираб оғрий бошлади. У остки лабини тишлари орасида

қаттиқ қисганича оғриқ азобидан ички ингроққа тушди.

Штаб ҳузуридаги «Тез ёрдам» машинаси юз-қўллари, кийимларини қурум босган Элмуродни шаҳар шифохонасига олиб келганида, кўҳна Бухоро устида шафақнинг сўнгги ёлқинларигина кезиб юарди.

Элмуродни икки ўринли палатага ётқизиши. Уни иккинчи бўлиб кўришга борган Зилола бўлди. Елкасига оқ халат ташлаб кирган Зилоланинг ташвишли кўзларига ёш тизилди. У Элмурод ётган каравот ёнидаги стулга омонатгина ўтиаркан, шошилиб, сўзларни ямлаб гапирад, ҳол-аҳвол сўрарди.

— Эшитиб қўрқиб кетдим. Жудаям қўрқиб кетдим... — юзини кафтлари билан гўсанча пиқиллаб йифлаб юборди Зилола.

— Зилола, синглим! Йиғламанг, хафа бўламан-а... Мана кўрдпнгиз, соппа-соғман. Чап қўлим бармоқлари сал-пал куйган, холос. Тезда тузалади-кетади. Докторлар айтишиди,—деди Элмурод ва ёноқларидаги кўз ёшларини сидирди. Зилола унинг қўлини дарров кафтлари орасига олиб, бир муддат қайноқ юзига босиб турди ва юраги тўрнида эъзозлаб юрган энг мўътабар гапини қўйқисдан нишонга урди:

— Сизга зифирча ҳам озор етишини истамайман, почча. Сиз ўзингизни асранг, эҳтиёт қилинг. Бу мен учун жуда, жуда...

— Тинчланинг, Зилола! Раҳмат сизга.—унинг гапини чўрт бўлди Элмурод.— Бахтим бор экан, соғ қолдим. Сиз бўлсангиз қувониш ўрнига йиги-сиғи. Қўйинг..

— Сизга қандай тушунтирсам,— қимтиниб-қимтиниб, ботинқирамайроқ гапирди яна Зилола.— Сизга қўйган меҳримни бошқа бирор кишигага... Менинг акам ҳам, бирдан-бир меҳр қўйган кишим ҳам... Сизсиз мен...

Элмурод шундагина кўпдан кўнглидан көжиб юргаш шубҳали хаёллари чин эканлигига амиқ ишонч ҳосил қилди. Сезгиси уни янглиштиргмаган экан. Қиз бутуң

борлиги билан унга интилаётганини чуқур фаҳмлади Элмурод. Хайриятки, у билан бир палатада ётган бемор кўчага чиқиб кетган эди. Бўлмаса, хижолатбозликни айтмайсизми! Элмурод Зилоланинг лаблари титраб, кўнглидаги яширин сўзларини очиқ айтишга журъати етишмаётганини, нимадандир мулоҳаза қилаётганини ҳам тушуниб етди. Бироқ қизнинг кўйгли оғримасин, деб унга гапирмади. Узини ҳеч нарса сезмаганга солди. Зилола хайрлашиб чиқиб кетгандан кейин: «Тентак қиз!— деди ўзига-ўзи.— ёшининг энг хавфли, беқарор пайти. Қандай бўлмасин, уни бу йўлдан қайтаришим зарур...»

У шундай хулосага келиб, жароҳати оғригини ҳам унутаёди. Зилола ҳақида чинакамига ўйлай бошлади. Кейинчалик у ўзини Зилоладан тамоман олиб қочиб юрди. Иложи борича унга кўрниш бермасликка ҳаракат қўларди. У билан сўзлашганида ҳам гаплари оҳангида бир қадар сўниқлик, бепарволик, эринчоқлик сезилар, муюмаласидан қизга бепарволлик, илтифотсизлиги билиниб туради.

Ҳатто Элмурод Зилолага камроқ кўрниш ниятида тураржойини ўзгартиришга қарор қилди. У Рисолат буви билан хайр-хўшлашиб, қўшни маҳалладан ижарага уй топди ва тезда кўчиб кетди. Лекин шунда ҳам Зилола уларникуга тез-тез келиб туришини канда қилмади...

Элмурод феъл-авторишинг бирдан ўзгариши эс-хушини ишқ хаёли батамом эгаллаган Зилолага қаттиқ ботди. Хотиржам кўнглига ғулгула тушди. Поччам жўрттага бундай қиляпти, дея унга баттар ўчакишиди.

Опасиникига кунора бир бор келиб-кетишни одат қилиб олди.

«Нега у кун сайин мендан айниб боряпти?— деб ўйларди қиз.— Гирт тентакман-да, ўзим ҳам касалхонага уни кўришга борганимда нималар деб алжираамадим?! Сезиб қолганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам меидан ўзини олиб қочяпти. Мен бўлсан ишқул унга интиляшмал.

Ташналик, соғинч билан. Ҳарчанд уриниб кўрсам ҳам ўзимни тия олмаяпман. Уни унтишга ожизман. Ҳўш, мен, ундан ҳеч нарса талаб этмаяпман-ку! Фақат тез-тез кўришиб, дийдорига тўйиб юрсам бўлгани. Лекин ўлсам ҳам онам билан унинг турмушига рахна солмайман. Буниси аниқ...Фақат у мени ўз сұхбатидан бенасиб этмаса бас!..»

\* \* \*

Элмурод рухсат сўраб директор ҳузурига кирди. Қош-қовоғи солинган Султон Жалилович креслода оёғини чалиштирган кўйда аллақандай қофозга кўз югуртириб ўтиради.

— Ҳа, сенми? Қел, яқинроқ кел! — деди секин.— Иш билан бўлиб, кўришга ҳам боролмадим. Бутунлай согайиб чиқдингми ўзи?

— Ҳа, дуруст...

— Ҳм... Яхши бўлмади-да, — деди энди бошини чайқаб, тундроқ оҳангда.— Иш орқага сурилиб, план тўлай-тўлай деб турган пайтда тузук бир машинанинг ишдан чиқиб қолиши... Нима кўп, у ер-бу ерда ишқали чиқиб қоладиган машина кўп. Дуч келганига ёрдам бераверадиларми, ука? Эштишимча, бошқа автобазадаги бир шоғернинг машинасини шатакка тортаман, деб... У ўзимизники бўлганида ҳам бошқа гап эди. Шатакка тортиш шартниди? Ҳўш, энди қачон ишга чиқмоқчисан?

— Эртадан кейин,— жавоб берди Элмурод бўғин-бўғинигача бўшашиб.

— Ҳм... Майли. Вақting бўлганда бухгалтерияга кир! Ҳисоб-китоб қили! Комиссия тузиб, машинани текширишган эди. Саккиз юз эллик сўмлик шикаст етибди. Яна ўзим қўллаб юбордим. Юз эллик сўмга камайтиришди... Сендеқ илғор, яхши шоғёрлардан ёрдамимни сира аямайман.—Директор аввалига Элмуроднинг хатосини пеш қилиб, «Сен кечириб бўлмас гуноҳ қилдинг. Энди чизиган чизигимдан асло чиқма!»— маъносида уни қўр-

қитиши йўли билан қўл остига олмоқчи эди. Лекин гезда бу ниятидан қайтди. Айёрлик йўли билан уни ўзинга қашнишириб, бўйсундириб олмоқчи бўлди. Шунинг учун ҳам у ўзини Элмуродга адолатпарвар, раҳмдил қилиб кўрсатишга уринарди. Графиндан стаканга қулқуллатиб сув қуиб уни бир кўтаришдаёқ симиргач, сўзида давом этди:— Энди жўра-пўрангдан қарз-парз оласанми ёки лотереяга ютган мотоциклингни пуллайсанми, бу сенинг ишинг. Ишқилиб, қолганини тўлашга тўғри келади. На илож... Хафа бўлмассан, давлат мулки, ука...

Директор Элмурод касалхонадалигидаёқ унга ёзма равишда қаттиқ ҳайфсан билдириган эди. Машинага етказган жамики шикастни ундириб олишга буйруқ чиқарган эди. Элмурод ҳали бундан бехабар эди. Кўришга борган дўстлари ҳам кўнглига олмасин, деб бу ҳақда унга оғиз очишмаган эди. Элмурод эса: «Директор енгилелпи жазо бериш билан тинчӣ қолмас, ўч олиш учун ҳозир етарли асос бор унда. Халқ контролидан келиб тескиришиди. Пўстагини дурустгина қоқишиди. Мен туфайли ҳайфсан олди. Боллаб таъзиirimни беради энди»,— деб ўйлар, директор билан тўқнаш бўлиш муқаррардек туюларди унга.

Элмуроднинг кўнгли бирдан ғашланиб кетди. Йотиниб олиб, лабларини қимтиди-да:

— Ҳўп, бўпти, тўлайман,— деди хотиржамлик билан ва илдам юриб, кабинетдан чиқди.

«Нега ҳам кирдим шу пасткашнииг олдига?—дили қаттиқ оғринган Элмурод, титраб-қақшаган ҳолда алғовдалғов хаёллар огушида ўй суриб борарди.— Менга айрим ҳамкасларим: «Ҳар ҳолда олдидан бир ўт, бўлмаса ўпкаланиб юради», дейишмаганида, балки.. Нималарни юзимга солиб бермади у. Тўлаш қочиб кетмасди. Аҳволинг қандай, мендан нима ёрдам истайсан, дейиш ўрнига, планнинг белига тепдинг, дейди-я! Планни кимлар бажаради, унинг назаридан четда. Э, садқаи одам хет-э!..»

\* \* \*

Зилола Элмурод хусусида ҳаддан зиёд кўп ўйлай-верганидан тунлари аҳён-аҳён босинқираш одатига йўлиқди. У бугун Элмуродни бир кўриш илинжида улар-никига борди. У йўқ, командировкага кетган экан.

Шу кечасн қоқ ярим тунда мудҳиш туш кўрди. Тушида Элмурод у туфайли Замирадан ажралғанмиш. Кейин: «Ҳар тарафлама ўйлаб кўрдим. Мен ҳам ортиқ чидаб туролмайман. Севгингизга бир умр содик бўлишга онт ичаман. Мен ҳам сизни...» деб, оёқларига тиз чўқканмиш. Лаззатбахш қувончдан Зилолани ҳаяжон босибди, энтиқиб кетибди. Тиззалари букилиб, титроққа тушибди. Ниҳоят, дудуқланиб: «Илтимос, бундай қипманг! Сиз эмас, мен тиз чўкишим лозим эди...» — дебди. Шу пайт қўққисдан дарғазаб ҳолда опаси пайдо бўлиб қолибди. Унинг кўзлари чўғдай ёнаркан. Бирпастда За-мира жанжал-сурон кўтарибди. Бу ҳам етмагандек, пи-чоқ ўқталибди.

Зилола қўрқувдан «дод» солиб, чўчиб уйғонди. Қа-раса, онаси тепасида жавдираб турибди:

— Она қизим, чап ёнбошингга ўгирилиб ёт! Босинқу-раяисан. ёмон туш кўрдингми ёки?

— Ҳа, қўрқинчли туш кўрибман.

— Туш ўткинчи нарса, ёмон туш кўрган бўлсанг, эр-талаб оқар сувга айт. Ойдинликка чиқади.

Онанинг илиқ қўллари қизининг пешонаси, соchlари-ни меҳрибонлик билан силаб-сийналади.

— Парвардигорнинг ўзи сени ёмон кўздан асрасин, қизим,— деди ойиси яна хотиржам товушда.— Қейинги пайтлар институтга кириш баҳонасида уйда кам бўлга-сан, кун бўйи аллақаёқларда сангифб юрасан, билмай-ман. Энди унчалик ҳам ёш эмассан-ку! Босар-тусаринг-ни билиб юр, қизим, феълингдаги ўзгаришни пайқаб юрибман. Анчадан бери индамас, ҳардамхаёл бўлиб қолгансан. Нима қийнайяпти ўзи сени? Онангман, тортип-май айтавер, қизим...

Зилола мәҳрибон онасининг бағрига ташлангиси, юрагини азоблаб, кемириб юрган изтиробни очиқ-оидин айтгиси келди-ю, лекин яна бирдан уялиб ўзини тутди. Жилмайиб:

— Онажон, сиздан яширадиган ҳеч гапим йўқ,— де-ди, холос.

— Унда тинч ухла, қизим,— она қизи устига кўрпани яхшироқ ёпиб, нари кетди...

Зилола шундан кейин Элмуродни кўрса ёки у ҳақда ўйласа, кўрган туши лоп этиб эсига тушадиган бўлди. Бу эса унинг баттар ором-фароғатини йўқотишига олиб келди.

\* \* \*

Элмурод сўнгги пайтларда Зилола ҳақида жуда кўп ўйлади. Ҳадсиз хаёлларга берилди. Қизнинг муносабати замирнида нималар ётганлигини кундан-кунга чуқур ҳис этди.

Лекин унга ақл бўлишликка, бу йўлдан қайтариш учун гапиришга журъат эта олмади. Иродаси кучсизлик қилди. Ўз журъатсизлигидан ўзи инжишга тушди: унинг кўнглига ҳалига қадар бирор марта озор етказганим йўқ. Энди қандай қилиб ранжитай уни? Инсофданмас Яхшиси, хотинимга ётиғича айтиб тушунтирсан-чи? Ҳар ҳолда опаси-ку! Йўқ! Айтмаганим маъқул. Рашки ёмон... Тўполон кўтармасдан қўймайди. Үнга яхшиси синглинг бизникуга камроқ келсин, дейману сабабига бирор баҳона ўйлаб топаман. Табиатим уни сўймаётганлигини баҳона қиласман. Шундай қилсан қайтанга яхши бўлади. Қўча-кўйда кўрганимда ҳам Зилолага индамасдан терс ўгирилиб кетавераман. Ана шунда балки мендан кўнгли совиб аразлаб қолар...» Элмурод шунга ўхшаш хаёллар гирдобида қолди.

\* \* \*

У автобазага куннинг иккинчи ярмида этиб келди

Дарвоза олдида унга Фани тўқнашди.

— Ишларинг дурустми? — сўради Фани. — Яёв кел-япсан?

— Ишим шошилинч.

— Янгиликни эшитдингми? Ашур билан Рўзи пучук қўлга тушибди.

— Кўйсанг-чи!

— Рост айтяпман.

— Э, яхши иш бўлмабди-да. Лекин иккови ҳам асли жазога лойиқ эдн. Рўзини мен ўз қўлларим билан бўғишига ташна бўлиб юргандим шу кунлар.

— Улар иккаласи Газли йўл қурилиши бошқармасига командировка қилинган эди.

— Хабарим бор.

— Десангки, иккови ўша йўл бошқармасининг омбор мудири, прораби билан тил биринтирибди. — Фани шошиб гапираётганидан танглайи қуридими, бир-иккى бор ютиниб олди. — Хуллас, айтишларига қараганда, иккаласи бир неча тонна цемент, етти кубометрдан зиёд-роқ симёғочни «Қизилравот» совхозига элтиб, кишиларга пуллашаётганида қўлга тушибди. Энг қизиги, директо-римиз бу нохуш хабарни эшитиб, негадир оёғи куйган товуқдай ўтирас-турарини билмай қолган...

Элмурод Фанини тинглаб. Рўзи билан уч кун муқад-дам яна тўқнаш келганини эслади. Элмурод диспетчер-лик пунктидан қўшнисига телефон қилиб, «Икки куплиқ командировкага жўнайпман. Илтимос, шуни хотинимга билдириб қўйинг», — деди.

Йўл варақаси олиш учун кирган Рўзи унинг телефон-да сўзлаётганини кўрди ва масхараомуз оҳангда пичинги отиб, нафсониятига тегди:

— Сарқитхўр!

— Нима дединг? — жаҳли қўзиб сўради Элмурод.

Рўзи ўзини парвойи фалак тутиб, пинагини бузмаган кўйда хонадан чиқиб кетди. Элмурод унинг изини тугди.

— Тўхта! Нима дединг, сендан сўраяпман!

— Нима дердим!— тиржайди Рўзи.— Сарқитхўр, дедим...

— Ким сарқитхўр?! Мен-а?!

— Ҳа, сен!—деди овози титраб Рўзи,—ишонмасанг, бориб хотинчангдан сўра...

— Аблаҳ!— Элмурод важоҳатли ҳамла билан Рўзига ташланди. Бироқ Рўзи эпчиллик билан чап бериб, қочиб қолди.

Қўлига узун бурамани ушлаган Элмурод уни дарвоза олдигача қувиб борди. Лекин қоровулхона олдида турган Фани Элмуроднинг йўлини тўсиб, ундан оғир бўлиши, шайтонга ҳай беришини сўради.

Элмурод Рўзининг Замира шаънига айтган ҳаёсиз гапидан жуда қаттиқ оғриниб юрди. Рўзининг сўнгги сўзи унинг юрагига худди тифдек санчилганди. Рақибининг гапини бот-бот ўйлар, ичини бир нима таталаб, кемираётгандек бўлар, Рўзига нисбатан юрагида кучли интиқом ўти оловланарди.

«Ярамас! Ўшандага қўлимга тушганида кўргилигини кўрарди мендан,— ўйларди у.— Бу ердаги ганимларимнинг фитна-фасод гапларига тупуриб, бошқа автобазага ишга ўтсан-чи? Қоқоқликда айблашиб, қўрқоқча чиқаришмасмикан? Албатта чиқаришадп. Қетмасам, сарқитхўр деган гапни яна қайта эшитишга тоқатим йўқ. Уялмай-нетмай юзимга солди-ку! Хотиним қизлик пайтида шу калхатнинг панжасига илинган экан-да. Ў негадир тўйимизда даврада бир кўриниб, эзмдан ғойиб бўлиб қолганди. Аблаҳ, кўрсатган каромати ҳақида бошқаларга ҳам оғзидан гуллаб юрибдимикан? Бунчалик таъна-ҳақоратларга қолиб омадсиз, баҳтсиз ошиқ бўлишимни олдиндан билганимда эди... О, ҳаётнинг аччиқ, мураккаб сабоқларига чидаш нақадар қийин! Хотинимдан ажрасам-чи? Иўғ-а! Ёш умрида бир эмас, икки марта баҳтсизлик жафосини бошидан кечирган кишини яна баҳтсизлик жарпга улоқтириш... Оғзига кучи етмаган бир

номарднинг гапига учиб, севгидан воз кечиш нодонлик эмасми! Мен хотиним учун аксинча интиқом олишим керак!»

Элмурод Рўзидан аламини олиш ниятнда йўлинни пойлаб, унн ҳеч холи учратолмасдан юрганди.

— Қилмиш-қидирмиш деб шунга айтсалар керак-да, дўстим,— деди Фани,— энди боплаб бир жазосини тортишсиз, шунда тавбасига таянишади бу муттаҳамлар Ҳа, айтганча, машинанинг қани?!

— Машинам «аразлади». Боя айтдим-ку, вақтим зиқ деб. Қоровулбозор қирлигидаги оҳак-ганч заводидан реставрация идорасига бор-йўғи уч рейс ганч ташидим. Қайтиб боришда қирлнкдан чиқай деганда мотор бутунлай ишламай қолди. Кўп уриндим, бўлмади. Поршень клавишлари ишдан чиққанга ўхшайди.

— Эски, шалоқ мотор бўлгандан кейин машинанинг ҳоли шу-да.

— Бошлиқдан сўрай, бирор кишини қўшса, бориб ша такка тортиб келаман.

Элмуроднинг машинаси фалокатга учрагандан кейин унга бошқа машина беришмаганди. У эски бир моторни ўша машинасига ўрнатиб, уни бир амаллаб ишлатиб келарди.

— Афсус, менинг «аравам» тузалмаган, дарров жўнаворган бўлардик-да,— деди Фани ва яна сўзига илова қилди.— Бўш турган машиналар кўп-ку. Ҳа, айтганча, бугун маҳаллий комитет йиғилиши ҳам бор. Етиб кела оласанми?

— Ҳаракат қиласман...

Элмурод директор кабинети томон юриб кетди.

— Нима гап?— деди директор қафти билан тепакал бошини силаб туриб.— Ишдан вақтли қайтибсан-ку?

Элмурод юз берган воқеани қисқача айтиб берди.

— Ҳм... Султон Жалилович стол устидаги ойнани ўйчан тиқиллатди. Авзойи бирдан ўзгариб, тулланди. Чунки у Ашур билан Рўзининг жинояти очилганидан

бери анча асабийлашиб қолганди. Қаҳрини кимга сочишни, аламини кимдан олишни билмасди. «Мабодо у галварслар терговда иқрор бўлиб, уйимга яширинча элтиб берган қурилиш материалларини айтиб қўйишса борми?.. Автобазага айвон, омбор қуриш учун келтирилган ғиштдан етти машина, тонна-тонналаб цемент, беҳисоб ёғоч, тахта, шиферларні уйимга обориб туширган шу иккови-ку...Шаҳар ОБХССига бугун омбор мудиримиз нега чақирилдийкин? Уф! Дард устига чипқон. Текшир-текшир бошланса обрў ҳам, данғиллама участка ҳам... Уф! Шу лавозимидан тинчгина пенсияга чиқиш ниятида эдим-а! Қўзим етмаяпти... Ҳм... Бу ишда шу активистнинг қўли бор. Қармоғимга ана энди дурустроқ илиди. Уч ой бурун гуноҳидан снгилгина кечган эдим. Машинага етказган шикастни тўлаш билан қутулувди. Ушанда ишдан ҳайдасам айримлар директор ноинсофлик қилди, ўлганинг устига чиқиб тепиш қабилида иш тутди, деб мендан норози бўлишарди. Энди-чи! Бу тирранчанинг ёнинп оладиганларнинг тили қисқа. Яхши ейди ошини, ёмон эса...» Султон Жалиловичнинг кўнглидан шу гаплар ўтди.

— Яна ўзбошимчалик бўлибида,— қовоқ солиб, афсуслангандек бошини сараклатди у.— Машинани даштликка ташлаб келдингми? Яхши бўлмабдида, ука.— Ўрнидан оғир қўзғалди шундан сўнг.— Так, бугун соат тўртда меҳнат интизоми тўғрисида мажлис бор. Эшитган қулоққа ёмон. Сени қўллаб, бошқаларни калтакласак, улар нега фалончига индамади, эркатойми у, дейишмайдими? Халқ мулкига бунчалик бепарволик билан қараш инсофдан эмас-да. Бу ишинг жуда чакки бўлиби, ука!

Агар Элмурод гапни узр сўрашдан бошласа, директор дарров унинг кўнглига қўл солиб кўрмоқчи, вазиятдан фойдаланиб уни ўзига тобе қилмоқчи бўлди. Элмурод ҳам бошлиқдан бунақангি гаплар эшитаман, деб сира ўйламаганди. «Ия, директорга бир нима бўлдими

ўзи? Бирдан ўзгариб қопти·куй Кўз тегмасин... Ё Рўзи билан Ашурнинг қўлга тушгани туфайли...» У дангал муддаога кўчди.

— Султон Жалилович, ёрдам сўраб келдим,— деди.— Шоғёрларда ора·чора учраб турадиган мушкуллик буғун менинг ҳам бошимга тушди. Даштликда, тилсиз машина олдида қаққайиб тураверганимдан фойда йўқ деб... Яна у кимсасиз қирликда кимдан ҳам ёрдам кутишим мумкин эди?

Директорнинг энсаси қотди.

— Хўш, мендан нима истайсан? Бағиллаб бошни оғритгандан кўра тезроқ айт муддаонгни!— асаби дош бермади унинг.

— Машинани шатакка олиб келишим керак. Бирор машина...

— Гаражда битта ҳам ишга яроқли машина йўқ. Кечгача кутсанг, машинам қисмларга бўлинib кетди деявер. Йўл-пўлдан бирор машина кира қил, олиб кел! Тағин мажлисга кечикма!

Элмурод лабини тишлаганча илдам юриб, чиқиб кетди. Директор аламига чидай олмай, папирос тутатди. «Тахминим тўғри, маълумот берган шу лаънати!..— деб сўқинди у.— Бўйнига илдирилган ҳайфсанни ҳали олиб ташлаганим йўқ. Шу бугуноқ думини тугайникин?»

Элмурод мажлис бошланай·бошланай деганда таҗанг ҳолда залга кирди. Орқа томондаги бўш бир стулга ўтирди. Бир-бировлари билан ҳазил-мутойиба қилишиб, гурунглашиб ўтиришган ҳамкаслари уни сезишмади ҳам.

Местком раиси Очил Ҳусанов томонини қириб қўйиб, йиғинни очди ва йиғилишда кўриладиган масала юзасидан биринчи бўлиб, сўз навбатини директорга берди.

— Кейинги пайтларда меҳнат интизоми ҳаддан гаш·қари бўшашиб боряпти,— томоқ қириб олиб, бамайлихо-тир гап бошлади Султон Жалилович.— Ишга кечикиб

келиш, сабабсиз ишдан қолишлиар, ишга масъулиятсиэлик, совуққонлик билан қарап ҳоллари содир бўляпти. Бунга сабаб, авваламбор, иш устидан назоратни бўшаширганимиз, шофёрларни ўз ҳолларига қўйиб берганимиз. Тўғриси, эрқатой қилиб юборганимиз. Бундай ҳолларга мутлоқ чидаб бўлмайди, ўртоқлар. Ашур билан Рўзини ҳаммангиз биласиз. Дуппа-дуруст ишлаб келишаётган эди. Бирдан қўли эгриликка ўтиб кетишибди. Бир гал мен уларнинг номуносиб ишларини кечирган эдим. Ҳали ёш, хатоларини тузатишар, деб ўйловдим. Афсуски, улар ишончни оқлашолмади. Айтишга тўғри келади. Улар давлат мулкини ўғирлаб сотаётган пайтда қўлга гушишибди. Бу коллективимиз обрўсига иснод! Ҳозир иккаласининг ҳам иши терговда.

Директор аслида Рўзи билан Ашур хусусида гапирмоқчи эмасди. Бироқ Элмурод ҳақида гап бошлашдан олдин улар тўғрисида оз бўлсада, тўхталиб ўтишга қарор қилди. У йигиндаги баъзи бировлар, директор айборлар қолиб, нега ҳадеб Элмуродни ёмонлашга тушди, деб ўйлаши мумкин, деган хаёлга борди. «У прогулчи» шофёрлардан яна икки-учтасининг исми шарифини тилга олгач, «тагин бир мисол», деб сўзида давом этди:

— Орамизда вазифасига бенарво, совуққонлик билан қаровчи шундай шофёрлар ҳам борки, коллективга уларнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегяпти. Мана, Элмурод Самиевни олайлик. Ўзи унча ишёқмас бола эмас, буюрган ишни қиласди. Лекин ишга бефарқ қарайди. Уни командировкага жўнатган эдик. У жамоат мулкини қир-даштликка ташлаб, бу ёққа ёлғиз ўзи қайтиш келибди. Бу жиноят эмасми, ахир?!

Залда жонланиш бошланди. Баъзи бировлар орқага ўғирилиб, бошини қуийи солганча хаёлот дунёсига ботган Элмуродга таажжубланиб қарапади. Директор эса энди овозини бир парда баландлатди:

— Ҳаммаларингизга маълум, Элмурод яқиндагина аллақандай бир шофёр машинасини шатакка олиб, яп-

янги машинанинг бошига сув қўйган эди, индамовдик. Енгил-елпи жазо билан қутулувди. У тузалиш, ибрат олиш ўрнига баттар бўляпти. Бугун унинг давлат машинасини кимсасиз даштликда яна қаровсиз қолдириб келгани кечириб бўлмас бир ҳол. Ким билади, балки аллақачон машина қисмлари талон-торож қилингандир. Битта машина неча сўм туришини яхши биласизлар. Йўқ, ўртоқлар, бундай ҳолга бошқа чидаб бўлмайди! Халқ манфаатини ўйламайдиган, коллективга фойда ўрнига нуқул зарар келтирадиган, ишимизнинг олдинга силжишига тўғоноқ бўладиган бундай кишиларга бизнинг сафимиизда ўрин берилмаслиги керак!— нутқини дабдабали тугатди директор.

— Сўзлашга ижозат беринг!— қўл кўтариб ўрнидан иргиб турди Фани. Үнга сўзлашга рухсат берилди. У тез-тез юриб минбарга кўтарилди.

— Султон Жалилович,— деди у тулланиб турган директорга қараб...— Элмурод машинасини қирлика қаровсиз ташлаб келгани рост. Нега у шундай қилган? Сабаби нима? Қасдан қилмаган-ку, ахир! У сизнинг олдингизга не боисдан кирди, сўрагандирсиз? Арзини тинглагандирсиз? Элмуроднинг ўз қасбини ҳам, коллективни ҳам жон-дилидан севишини ҳамма билади. У иш-ёқмас шоғёрлар хилидан эмас.

Кўпчилик бирдан орқага қайрилиб, Элмуродга тикилишиди. Дили оғригап Элмурод бўғин-бўғинигача бўшашиб, ерга қараганча ўтиради. Фани томоқ қириб олғач, сўзида давом этди:

— Мен уни боя келган пайтида учратдим. У бўлган воқеани менга айтди,— Фани воқеа тафсилотини мажлис аҳлига сўзлаб бергач, нутқига якун ясади:

— Ўртоқ директор, сўзларимни оғир олмайсизу, лекин Элмуродга нисбатан тутган йўлингиз нотўғри. Чиқиб, айвон остига қарашингиз мумкин. У аллақачон машинасини келтирди. Сиз эса машинасини олиб келишга ёрдам кўрсатмадингиз. Яна унинг шаънига ўринисиз сўз-

лар айтяпсиз. Ишчиларга ғамхўрлик кўрсатиш раҳбарларнинг бурчи-ку, ахир!

«Тўғри, ҳақ гап!»—деган сўзлар залда акс садо берди.

— Яна ким сўзламоқчи?— савол ташлади местком раиси.

—Мен!— қўл кўтариб ўрнидан турди комсомол ташкилотининг секретари Тоҳир. У минбарга чиққач, ютиниб олди ва:—Ҳамкаслар!—дэя сўз бошлади. —Элмуродни ҳаммамиз яхши биламиз. У коллектив ишига жонкуяр, дўстларига ҳамиша ғамхўр. Унинг бир янги машинага жиддий шикаст етказганига келсак, қасддан ёки била туриб шундай қилган эмас-ку! У оддий совет қиши сига хос ибратона фазилатни, ажойиб инсонийлик фазилатини кўрсатаётганда фалокат юз берган. Элмурод билан Шўркўл сув омбори қурилишида содир бўлган воқеани барчамиз биламиз, гапнинг қисқаси, биз шофёrlарга бир сабаб билан йўлда қолган ҳамкасбига ёрдам бермаслик, кўз юмиб ўтишлиқ инсофдан эмас.

Залда гулдурос олқиши аралаш: «Ҳақ гапни айтди!»— деган сўзлар ўрмалади, «Балли, ука!»— деган луқмалар эшитилди. Ҳар йиғинда ўз сўзини ўtkазиб келган директор ўнғайсизланганиданми, қизариб кетди. У бундай зарбага учраши мумкинлигини хаёлига келтирмаганди. Шу йиғиндаёқ Элмуроднинг ишдан кавушини тўғрилаб қўймоқчи эди. «Ҳали шошмай тур, сен тирранчаларга кимлигимни кўрсатиб қўяман...»—деб дилида уларни койир. ҳалига қадар ўзи хон, қўланкаси майдон бўлиб келаётган коллективда сўзини биринчи бор нишонга тек-киза олмаганидан ўкинар, қизариб-бўзариб, ич-ичидан зил кетиб ўтиради.

Яна икки шофёр сўз олиб, маъмурият етарли шароит яратиб бермаётганини, эҳтиёт қисмлар танқислигини, ишнинг бажарилиши кўп жиҳатдан яхши шароитга боғлиқлигини гапиришди. Танқид эшитишдан директорнинг иссиғи ошиб кетди. Қора галстугуни бўшатиб, новвот-

ранг кўйлагининг тугмасини очди ва рўмолчаси билан бағбақасидаги реза-реза терларни артди. Ясама жилмайиб, местком раисига: «Шу ёғи ҳам етарли, бас қил!», — маъносида ишора қилди.

Ишга вақтида келмаганилиги учун икки шофёрга ҳайфсан, яна бирига танбеҳ бериш билан мажлисга якун ясалди.

Дили ғаш Элмурод залдан кўнгил ғуборлари оз бўлса-да, кўтарилиган ҳолда чиқди. Ҳақиқат ўрнини топади, деганлари рост. «Ҳақиқат ноҳақликни енгмасдан қолмайди,— ўлади у кўчада кетаётиб,— лекин ўзим ҳам қизиқман-да, сал ноҳақ гапни дарров юрагимга тушиб, қалбимни ўртаб юраман. Бас, етар! Ўтган ишга салавот. Элмуродбой! Ҳаммасини унут! Фақат шуни яхши билки, сен ҳали жамият олдида бурчлисан! Ҳалқа катта фойда келтиришинг, умрингни яхши одамларга, ҳақ ишга багишлишинг керак. Ҳа, шундай! Ҳали мен жуда жуда кўп ишлар қилишим керак!»

У ўйл бўйи ўй суриб, уйга қандай етиб келганини ҳам сезмай қолди.

— Ҳа, нима бўлди? Ҳафа кўринасиз? — сўради Замира эрининг хаёлчан, хомушлигини сезиб. — Гинчликми, ўзи?

Элмурод ишхонасида ора-чорада юз берадиган ҳар хил дилсиёҳликларни, кўнгли хавотир тортиб юрмасин, деб хотинига айтмасди. Ҳафалигининг боисини гоҳ машинаси бузилиб қолиб, йўлда қийналганлигига, гоҳ ҳаддан зиёд толиқканлигига йўйиб қўя қоларди.

— Жуда чарчаганман, — деди Замирага.

— Вой, чарчаган бўлсангиз қовоғингиздан қор ёғдириб келишингиз шарт эмас-ку...

— Кўп ғашимга тегма! — деди бир оз кескин кўйда Элмурод. Айни топда умуман унинг кўнгли чироқ ёқса ёrimas, бир оғиз ортиқча сўз ҳам унга малол келар эди.

— Вой, бугун чап биқинингиз билан турганмидингиз? Сал гапга жигибийронингиз чиқялти, — деди Замира. —

Айтганча, озгина кечикдингиз-да, Зилола келувди. Аńча кутди. Зарур иши бор экан сизда.

Дард устига чипқон, деганларидек, ғашлиги ҳали тарқамаган, асаблари титраб-қақшаб турган Элмурод қайнисинглиси келганини эшитгач, баттар жаҳлга минди.

— Кўзим учиб турганди Зилолангизга! Айтинг унга, қорасини камроқ кўрсатсан, — деди беихтиёр.

— Нималар деяпсиз ўзи! Хаёлингиз жойидами? — ажабланди Замира. — Қачондан бери менинг уруғларим сизга ёқмайдиган бўлиб қолиши? Унда сизнинг туғишганларингиз ҳам...

У, хотиним тушуниб, Зилолага ақл бўлар, деган умидда ўз шубҳалари тўғрисида ниҳоят Замирага гапиришга қарор қилди. Зилоланинг хатти-ҳаракатларини чуқур сезиб юрганлигини, уни бу йўлдан қайтариш кераклигини куюниб айтди:

Аввалига, эрим ҳазиллашяни, деб унга диққат билан тикилиб, қулоқ солиб турган Замира эрининг жиддий қиёфада уйдирмасиз, муболагасиз гапираётганлигини сезгач, эти жимнрлашга тушди, дилини бир лаҳзада шубҳалар қамраб олди ва бу қалтис нохушликдан қиёссиз даҳшатга тушди. Ҳатто бир дам довдираб, гангиб қолди. Сўнг худди ток ургандек тўсатдан чайқалиб, ранги ўчди. Қаттиқ қаҳрга минганидан чинқириб юборди:

— Ҳали гап бу ёқда денг?! Разил одам экансиз...

Элмурод хотинининг ҳайрон қоларли даражада кескин гапириб кетишини, ишнинг бундай кўчишини ҳеч кутмаганди. Аммо ҳали бу ҳолва эди. Замира эрини, сўнгра йиғлаб, ўзини муштлай кетди. Кейин апил-таниил кийиниб, кўчага отилди...

Унинг кўнглида адоват, интиқом ҳислари тошарди. Зилолаларники томон ошиқиб бораркан, йўл-йўлакай ўз фикрлари билан ўзи олишарди: «Наҳотки, иккиси шунчаликка борган-а? Дугонам Нафиса ўтган ҳафта келганида бежиз айтмаган экан-да. (Нафиса Фанининг хоти-

ни, Элмурод уйланганидан бери дўсти Фани билан оилаславий борди-келди қилар, Нафиса билан унинг хотини қалин ўртоқ тутиниб қолпшганди. Икки дугона кунора бир-бирларини йўқлаб туришарди.) Синглингнинг бир оёги доимо сеникидами дейман? Яхши кўраркан сени! Қачон келмай у уйингда. Эрингии·ку, худди қул қилиб олгандай... Шунаقا девди Нафиса... Мен, қўйсанг-чи, эси йўқми уларнинг, деб парво қилмагандим... Зилола! Илоҳим, номинг ўчсин Зилола! Уз жигаримдек киши баҳтимга зомин бўляти-я...»

У ўзи ўсиб-улгайган хонадонга елдек кириб келиб, Зилолани қон-қақшатди. Синглисига бало-қазодай ташланиб, бир зумда уни ақлдан оздираёзди. Унинг эҳтирос билан уриб турган ишққа чанқоқ қалбига тўсатдан ғап чодирини ёйди. Шодлигини қайғу билан алмаштириди. Умидли қалбини ноумидлик ҳиссига тўлғазди.

Зилола қўрқувдан юрак ҳовучлаб, тўлиб-тўлиб, зорланиб гапиради. Нуқул: «Опажон, ёлғон, ҳаммаси ёлғон», дерди. Уятдан қўллари билан юзини бекитиб, юмюм йигларди. Шу аснода унинг миясида айқаш-уйқаш фикрлар чарх уради. «Наҳот, наҳот опам сезган... Энди нима қиласман! Наҳотки, поччамдан чиққан бўлса шу гап? Эй, худойим-а...»

У аёвсиз ҳақоратлар, туртишлар таъсиридан тамоман гангиб, анқайиб қолди. Ҳатто ғазабнок опасининг уйдан қай йўсинда чиқиб кетганини ҳам сезмади. Унинг юэсиз, беибо, деган сўзлари қулоғида янграб қолди.

Хуфтонга яқин серзарда Замира уйга йигидан ёноқлари шишинқираган, аммо жаҳлдан ҳамон кўзлари ёниб, аянчли бир ҳолатда шошилинч кириб келди.

— Жаҳлингиз бир оз босилдими? Шунақаям бўладими киши?! — ғудранди Элмурод.

— Жаҳлим... жаҳлим ўлганда босилади энди,—эрига кескин жавоб берди Замира.— Шамол бўлмаса дараҳтнинг уни қимирламайди. Мен аввалдан билганман сизнинг қанақалигингизни! — У бехос эрини сенсирай кет-

ди:—Бор, тезроқ! Безрайиб турганча, боргин Зилоланг-га! Оғзи-бурни қонга бўялиб ётиби...

— Нима? Ҳали сен уларникига бордингми?— деди бетоқатланиб Элмурод. Қаҳри тошганидан бутун вужуди бирдан ларзага келди.

— Ҳа, бордим,— деди Замира бўш келмай.— Бор-масдан қўярмидим! Иккалангни ҳам кўришга кўзим йўқ. Шофёр зотидан бир марта оғзим куйгани етмагандек, аҳмоқ бўлмасам, сенга...

Элмурод қўлига беихтиёр эрк берганини ўзи сезмай қолди.

— Бу ерни энди елкамнинг чуқури кўрсин!— деди йиғлаб Замира. У кийим-кечагини наридан бери йиғишириб тутганича, худди телбалардек шиддатли юриб, уйдан чиқиб кетди...

Элмурод анчагача уй ўртасида қотиб турди. Сўнг шиддат билан Зилолаларникига югорди.

Зилола уйда, хона пойгагида аллабир намойишда турар, соchlари тўзғиган, усти қон, кўзларидан ёш думаларди.

— Зилола...

Қиз Элмуродга алам, изтироб, илтижо, шу билан бирга, ўқинч, таъна, надомат кўйида қаради.

— Кетинг,— деди Зилола шундан сўнг бутун вужуди титраб, — кетинг...

\*\*\*

Элмурод хотинини инсофга келиб, уйга қайтар, деб кутиб юрди. Оилавий жанжални ота-онасига ҳам сез-дирмади. Уларга хотинини, қисинганидан уч-тўрт кунга ойисиникига кетди, деди. Орият, йигитлик ғурури устунлик қилиб, хотинини йўқлаб бормади. Замира ўзи ишлаётган фабриканинг қизлар ётоқхонасига дугоналари ҳузурига кўчган эди. Элмурод бир нарсадан қаттиқ ҳавотирда эди. Бир оғиз бемаъни гап туфайли наҳотки хотиржам, осойишта ҳаётимга дарз кетса, деб ўйлар,

бундан қандайдир кўнглида қўрқарди. Аммо у хотинини осонликча уйга қайтара олмаслигига ҳам имони комил эди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Элмурод ўз устидан жиноий иш қўзғатилганлигини билди. Руҳи тамомила тушиб кетди. Қуруқдан-қуруқча оиласи барбод, ҳузур-ҳаловати, файзли турмуши поймол бўлаётганидан ниҳоятда изтиробга тушди. Руҳини бирдан умидсизлик, маъюслик чулғади. Хотинига нисбатан кўнглида нафрат уйғонди...

Ўша оқшом Замиранинг аҳволи оғирлашгач, «Тез ёрдам» чақирилди. Қасалхонага олиб боришиди. Қучли мушт зарбидан унинг ўнг қовоги ва ёноги қаттиқ жароҳат еб, соғлигига зарар етган экан. Қасаллик тарихи тўлғазилаётгандага Замиранинг: «Оилавий жанжал туфайли эрим урди»,—дегани ишни анча мураккаблаштириди. Қоидага қўра навбатчи врач Замиранинг жанжал-можаро сабабли тушганини дарҳол милицияга хабар қилди. Замира ишига милиция, суд-экспертизаси аралашди. Эрининг иши давлат даъвогарлигига ўтди. Бунинг устига уч кун қасалхонада ётганида эри ўзидан билиб, бир марта ҳам йўқлаб келмади. Шу боисми, Замиранинг эрига нисбатан алами юз чандон ортди. Дугоналари-ку, боз устига, уни гижгижлашга тушишди:

— Эринг сени хўрласа, индамай чидаб тураверасанми? У ўзидан кетиб, бутунлай ҳаддидан ошибди. Уни вақтида тизгинлаб олмасанг, бошингда ёнғоқ чақилди деявер!..

— Эрни эр қиласидиган ҳам хотин, қора ер қиласидиган ҳам... Бу қандай ҳол? Ойна олиб, афту ангорингга бир қара. Юзинг моматалоқ бўлиб кетибди. Кишининг хўрлиги келади ҳолингга. Уни шундай қўйиб берсанг, келгусида ҳам ҳолингга маймунлар йиғлайди. Үрни-ўрпидага боплаб, таъзирини бериб қўйишишинг керак.

Бундай кўнгилсиз гаплар хўрлиги келиб турган Замиранинг қайғусига қайғу қўшди.

«Фаҳмлаб турибман. Барибир у мени ташлаб кетади.

Орияти кучли. Кечиролмайди, — ўйларди фифон ошиб.— Йигит киши ҳеч бўлмагандга умрида бир карра иффатли қизнинг висолини орзу қилмайдими ахир? Хазон бўлгур Зилола!.. Мени бирдан-бир суюнчиғимдан жудо этди-я. Мен шўрпешона қайси хонадон эшигига бош уриб бораман? Тутинган ота-онам мендек ноқобил қизни энди остонасига яқин йўлатмас. Мен уларни бош кўтариб юролмайдиган иснодга қолдирдим-ку, ахир! Куним-ку, ўтмасдан қолмас, лекин ҳали туғилмаган боламнинг тақдиди нима бўлади? Қориндалик пайгида отасиз қоладими?.. Оҳ, номард йигит! Эсизгина менинг ширин орзуларим! Шундай қайгули кунларга туширишингни сал бурунроқ билганимда... Агар у мени кечира олсайди, шу пайтга қадар ақалли бирор марта сўроқлаб келмасмиди? Демак, энди у ҳеч қачон излаб келмайди. Кечирмайди. Шундай экан, мен ҳам...»

Замиранинг кўнглида эрига нисбатан ўч олиш иштиёқи янада кучайди. Ичидан ижирғаниб қўйди. Терговчи сўроқ қилганида кимлигини эрига бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Ёлгон-яшиқни қўшиб-чатиб кўпиртириб айтди ва эрининг айбини янада оғирлаштирди.

Элмурод терговда ортиқча гапирмади. Ўзини жуда хотиржам тутди. Фақат хотинининг бу ноқобил иши нафсониятига жуда қаттиқ ботганидан аёвсиз хаёлга берилди. Уят туйгуси унинг вужуд-вужудини кемираради. Ўша кунги можарони эслаб, ўз-ўзидан ҳам нафрата нарди. У терговчига: «Қизишиб кетиб хаёл-бехаёл урибман,— деб қўя қолди. Зилола хусусида бир оғиз ҳам ёмон фикр билдирамади.—Мен у ҳақда ноўрин тушунчада эканман, у мени кечирса бўлди», деди.

\* \* \*

Уларни суд қилишди. Судда Замира ўжарлигидан қолмади.

У эрининг қилмишидан пушаймон бўлиб, суд олдида

уэр сўрашинн, минбаъд хотинига ҳеч озор бермасликка сўз бериб, ялиниб-ёлворишини истарди. Бошини чангалиганча миқ этмай ўтирган Элмурод эса ўз фурурининг поймол бўлишини истамасди. «Эҳ, Замира, Замира,— дерди у дилдида,— аввал-бошда менга шарт қўйсанг, қилган қўпполлигим учун хоҳлаганингча ялиниб, хушомад қилишга рози эдим. Лекин энди...»

Оҳ, бечора Зилола! Ўнинг суддаги ҳолатини кўрган Элмурод ўзидан ўтганини ўзи биларди. Аламзада Зилола маъюс ҳолда ўтирас, унинг илгариги хушчақчақ кўринишидан асар ҳам йўқ, гангис қолган эди. Юзи озиб, чўзилган, ташвишли, ғамгин, кучли руҳий азоб тортганлиги билиниб турарди. Уялганидан боши эгик, кафтлари билан юзини беркитган, пик-пик йиғлар, ўқтин-ўқтин, чуқур-чуқур хўрсинарди. Унинг зийрак кўзларида беҳисоб нафрат алангасининг ифодаси акс этар, кўкси тўла-аламлиги аён эди. Элмуродга гоҳ безовта ва маънодор қарап, саросимали нигоҳида ҳамон таъна эмас, ҳамдардлик бўлиб, у гўё, мен ўзимни ўйлабманми, сизга дил-дилмдан ачиняпман, холос, деяётгандек эди.

Элмурод ҳам уни шу кўйга солганидан афсус чекарди. Ўзича, энди мени Зилола бир умрга кечирмаса керак, деб ўйлар, бунинг ҳақиқатга яқин эканини ҳис этарди.

Суд Элмуроднинг бундан олдин судланмагани, хатосини ошкор тан олгани ва автобаза комсомол ташкилотининг у ҳақдаги ижобий характеристикасинн инобатга олди. У хотинини жароҳатлаб, ноҳақ хўрлагани учун бир йил муддатли ахлоқ тузатиш иши билан жазоланди. Хотини даъвосидан кечганида ёки ишхонаси аралашиб, уни кафилликка олган тақдирда бу жазодан ҳам қутулиши мумкин эди. Автобаза маъмурияти суддан уни коллектив тарбиясига берилишини ёки ишини ўртоқлик судига ўтказилишини ёзма равнинда талаб қилса кифоя эди. Комсомол ташкилоти секретари Тоҳир ҳарчанд ҳаракат қилмасин, сўзига директорни кўндира олмади.

Элмуроддан қандай қилиб ўчини, аламини олиш йўлини ўйлаб хуноби ошиб юрган Султон Жалилович унинг бошига тушган кулфатни эшитибоқ беҳад севиниб кетди. Дилида: «Ажаб бўпти... У тентак ўз бошига ўзи ташвиш ортирибдими, энди жазосини хўп тортсин»,— деб ич-иҷидан суюнди.

«Узингга аён, вақтида маслаҳатимга қулоқ солмади,— Тоҳирга кулимсираб деди Султон Жалилович.— Ҳар бир ишга бурнини суқди. Бошга тушганни кўз кўради, деганлар. Энди ўзидан кўрсин. Фалон автобаза шоғёри шундай номаъқул иш қилибди, деган гап оғиздан-огизга кўчмасдан қолмайди. У коллектив обрўсига доғ туширди. Афсуски, бундай кишиига мен ҳеч қандай ёрдам кўрсатолмайман...»

Директорнинг Элмуродга ёрдам бермаслиги яна бир жиҳатдан аниқ эди. Чунки Ашур билан Рўзи тергозда қилган қинғир ишларига тўла иқор бўлиб, директорнинг айбини ҳам очиб ташлаганди. Уч кундан буён Султон Жалилович терговчи ҳузурига чақириларди. У инкор этиб бўлмас далиллар олдида тамоман эсанкираб қолганди. Лекин ҳали бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим деб оғиз очмаганди. Ошна-оғайниларини ўртага қўйиб, ишини бости-бости қилиш мақсадида тўрт томонга елиб югураётганди...

\* \* \*

Элмурод ишхонасида ўзини гўё бегонадай сезарди. У гап-сўзга авваллардагидек аралашавермас, худди бирордан тили қисиқдай, индамай юрарди. Ҳамкасбларининг тўғри кўнгилда айтган ҳар бир сўзи унга пичингдай бўлиб туюлар, ҳатто уларнинг самимий қарашларидан ҳам ҳадиксиради.

Уни кеча дўсти Ғани қўярда-қўймай уйига бошлаб кетди. У-бу хусусда гурунглашиб ўтиришди.

— Янгиликни эшигдинагми? — сўради Фани.

— Нима янгилик?

— Рўзи билан Ашурнинг суди бўлибди. Тоҳир айтди.

Улар директорга анча·мунча айбни тўнкаришибди. «Бизни аввал·бошдан ёмон йўлга бошлаган директоримиз. Биздан ўз манфаати йўлида фойдаланди. Бошимизга оғир кун тушганда эса ёрдам кўрсатиш ўрнига биз ҳақимизда терговчига ёмон характеристика берибди», дейишиб, Султон **Жалиловичнинг** бор айбини очиб ташлашибди. Директорнинг иши шаҳар партия комитети буюросида кўрилармиш. Автобазада шов·шув. Кўпчилик директор энди ишдан кетса керак, дейишиб, унинг устидан кулиб юришибди.— Фани гапни бундай якунлади:— Султон **Жалиловични** бугун бир назар кўриб қолдим. Кайфияти батамом учган кўринади.

Суҳбат орасида гап Замира хусусида борганида, Фанининг хотини Нафиса куюниб деди:

— Кўпдан бери бизникига келмай қўйган Тунов куни бозорда учратиб қолдим уни. Галати, феълига ҳеч тушунолмадим. Менга чўчиб, ҳадиксираб қаради. Хаёли жойида эмасдек, телбалардек. Ёки қаттиқ уяладими? Ҳол·аҳвол сўраб дўстона насиҳат қилсан, унамади. «Дугона, аламимни тозалама, аччиқ қисматим тўғрисида бошқа бирор пайт бафуржга чақчақлашармиз»,— деб жўнаб қолди. Ақалли тураржойини ҳам айтмади...

Нафисанинг Замира тўғрисидаги хабари айрилиқ аламини чекиб юрган Элмуроднинг қалби ярасига туз бўлиб сепнилди. Унинг шу топда бирор сўз айтишга маъжоли қолмаганди.

Фани дўстининг елкасига қўлини қўйиб, тасалли берди:

— Хафа бўлма, ҳали пушаймон қилади...

Орадан кўп ойлар ўтди. Ўтган ҳар бир кун йилдек бўлиб туюларди Элмуродга. Хотинининг афти ангори кунлар билан бирга тобора ундан узоқлашаётгандек эди. Замирани кўришга баъзан интизор, муштоқ бўлар,

аммо сўроқлаб боришга йигитлик ғурури йўл бермас эди. Замира қандай яшаяпти, ҳаёти қандай кечяпти, унга тамоман қоронғи эди...

\*\*\*

У кейинги пайтларда оғир бир ҳолатга йўлиқиб қолди. Кўнгли ҳижрон азобида ээилиб, қисиларди. Ҳафса-ласиз, қўли сира ишга бормасди. Ишдан бўшадими, та-мом хуфтон-хуфтонларгача шаҳар кўчаларида танҳо тентираб юриш одати эрмак бўлганди унга. Тунлари алламаҳалгача киприк қоқмасди.

Мана, вақт ярим тундан ошган. У эса дераза олдида қаққайганча турибди. Кўзлари зумрад осмонга қадалган. Юлдуз санайди, қайта-қайта сигарета тутатади. Гўё ўй суришдан ўзга иши йўқдек. Кўзи ўнгидаги ўғил-часи дўмбоққина, жажки қўлларини қўмирлатиб, унга интиқлик билан талпинаётгандек бўлиб гавдаланади, ҳали бирор бор ҳам дийдорини кўрмаган боласини тезроқ кўргиси, меҳр билан эркалагиси келади. Тасаввурнида ғамгин қиёфали хотини қизғаниб, ўғлини ундан олиб қочмоқчидай бўлади... Унинг бўлак бардош беришга тоб-тоқати қолмади. Сабр косаси тўлди. Борлигини айрилиқ, соғинч сиртмоги эзив, бўға бошлади. Ниҳоят, шундай қатъий қарорга келди: «Ўнга хат ёзаман. Хат орқали жамики...»

Чироқни ёқди. Столга ўтириди-да, қофоз-қалам олиб, хат ёзишга киришди.

«Салом, Замира!

Илтимос, мендан хафа бўлманг, қалбим мажбур этди, ундини ёзишга! Эҳтимол, мен бетоқат, сабрсизни айбларсиз. Лекин менинг сиз билан учрашишга, сўзлашишга ҳақим йўқ эмас! Орамизга совуқчилик тушган бўлса-да, бари бир сиз ҳали менинг қонуний хотиним-сиз. Касалхонага тушганингизни эшифтгач, ўша тун туруқхона эшиги олдидан жилмадим. Тонготарда ҳамши-

ра хушхабар айтди. Ўғилли бўлганимни эшитгач, қанчалик қувонганимни билсангиз эди! Чўнтағимдаги бор пулимни суюнчи сифатида ҳамшираларга улашиб чиқибман. Сизга, жажжи ўғлимга атаган бир даста пулни ҳамшира бошингиз тепасига элтиб қўйганини айтди. Афсус, беҳол ётган экансиз. Дил-дилимдан айтган табригимни сизга етказа олмабди. Эрталаб сиз ёқтирадиган нарсаларни харид қилиб бордим. Бир энли хатим билан уни сизга обориб беришларини сўрадим. Сал фурсатдан сўнг ҳамшира нохуш хабар келтириб, бутун қувончларимни чиппакка чиқарди. «Келтирган нарсаси ҳам, хатн ҳам бошидан ордона қолсин! Айтинг, уни кўришни ҳам, эслашни ҳам истамайман», — дебсиз. Ростим уйга зўрга етиб келдим. Почтальон хат ташлаб кетибди ўқиб, баттар асабийлашдим. Суддан келибди. Ажрим тўғрисида... Шундан кейин бутун умидларим чиппакка чиқиб, мен учун осмон келиб ерга ёпишгандек бўлди. Демак, хотиним охириг қатъий қарорга келибди-да, деган фикрга бориб, бутунлай тушкунликка берилдим. Аммо чақирилган кунда судга бормадим. Нима сабабдан бора олмаганимни аён этиш менга жуда қийин.

Сизни, жажжи фарзандимни бир қур кўришга қанчалик интизор, илҳақ эканимни билсангиз эди...»

У нечундир бирдан иккиланиб, ёзишдан тўхтаб қолди. Сабаби, қўққисдан миясида айқаш-уйқаш фикрлар чарх уриб, ғужғон ўйнай бошлиди: «Тўхта! Сен қана-қанги одамсан ўзи? Қани сенда йигитлик ғурури? Обрўйингни ерга урган хотин олдида ўзингни бунчалик пастга урмасанг!...»

У ўрнидан сапчиб, хатни беихтиёр рижимлаб йиртиб ташлади...

\* \* \*

Элмуроднинг энг яқин сирдош, дилкаш, дардкаш дўсти — Ғани. Уни ҳар куни кўриб турмаса, ҳамсуҳбаг бўлмаса, қўмсаради. Бу оқшом ишдан сўнг, мириқиб гу-

рунглашиш ниятида тўғри уникига йўл олди. Фани уйда ёлғиз экан. Нафиса ота-онасиникига кетибди.

— Замирани эслаб турасанми баъзан?— сўради Fани бехосдан.

— Уни эсламай бўладими, дўстим. У ўз рашки туфайли қалбимда тузалмас жароҳат қолдирди,— деди Элмурод чуқур хўрсиниб. «Авваллари келганпмда Фани хотиним ҳақида ҳеч гап очмасди. Кўнгил ярамни қайтадан янгилашни хоҳламасди шекилли. Нафиса гапирганда ҳам дарров унинг сўзини бўлиб, сұхбатни бошқа ёқ-қа буради. Қизиқ, бу гал...»

— Бундай бўлишн кимнинг хаёлига келибди дейсан,— сўзида давом этди Fани.— Бунга биринчي ўзинг сабабчи, хотинга ҳамма нарсани гапираверадими! Қолаверса, Нафиса ҳам айбдор. Қалин дугонаси-ку, ахир, сидқидилдан уринганинда уни bemalol муросага келтира оларди. Мен нодон ҳам эр-хотин қўшҳўкиз, деганлар, уришади, ярашади, орага тушиш одобдан эмас, деган хаёлга бориб, тақдирларингга бефарқ қарадим. Эндиликда ўта нодонлик қилганимни чуқур ҳис этяпман. Аллақачоноқ иккалангии яраштириб қўйиш лозим эди! Етар энди сандирақлаб юрганларинг! Узиқ-кесил бир қарорга келиш керак! Сенинг ҳозирги турмушингда маъно йўқ, дўстим. Уртада бола бор. Унинг келажагини ўйлаш сеининг бурчинг...

— Тўғри, сен ҳақсан. Лекин мен... мен...— ғудранди Элмурод ўзини ночор ҳис этиб.

Фани оргиқ индамай ўрнидан туриб, ёзув столи тортмасидан бир конверт олди. Уни ҳамон мум тишлаганича Элмуродга узатди.

Элмурод бир гарансиб, бир ҳаяжонланиб хатни кўздан кечира бошлади. Хат Нафиса номига ёзилган бўлиб, ниҳоятда майда ҳарфлар билан битилган эди. Таниди, дастхат Замираники...

«Нафиса, дугонажон, ўтинаман, мени айбга буюрмассан. Чунки олдингда гуноҳкорман. Ҳаммасига мен

айбдор. Шу боисдан, ҳатто таниш-билишларимнинг кўзига кўринишига ор қилиб юрибман. Улардан ўзимни шанага узоққа олиб юраман. Аввал-бошдан ўйламай-нетмай номақбул иш қилиб қўйдим. Рашиким қурсин, эримнинг чин кўнгилдан маслаҳат тариқасида айтган гапидан аланга чиқариб, ҳаммаёққа айюҳаннос солдим. Ростим, рашиким зўрлигидан мен учун ҳаёт бирдан чап-пасига айтаниб қолганди ўшандা. Энди кўзим мoshдек очилди. Турмушни, оилаи енгил-елпи тушунганим оқибатида бечора эримни, синглнмни, ўзимга тарбия берган покдил ота-онамни маломатга қолдирганимни ҳис этдим.

Мен кўрнамаклик қилдим... Шунчаликка қарамай эрим иккى-уч марта мени сўроқлаб ишхонамга, ётоқхонага келди. Бошда нафратдан, кейинчалик эса уялганимдан, унинг айтига тик қарай олишга журъат қила олмаганимдан, пестиқболига пешвоз чиқмадим. Эримнинг ойиси, отаси ҳам бир неча марта излаб келишди. Мен тентак кўрпиниш бермадим... Эндиликда қаттиқ янглишганимни биllib турибман. Лекин бундан не фойда?! Мен, дунёда разил кишилар топилади, деган, гапни, ҳамма одамлар разил, деган бўлмағуғ маънода тушунган эканман, дугонажон. Ҳолбуки, ҳаёти тимда эзгуликка кўпроқ йўлиққан эдим-ку... Ота-онам менинг баҳтим эди. Эрим ҳам!.. Энди эса умрим, боламнинг ҳаёти нима кечиши мени ниҳоятда ташвишлантирияпти. Ҳануз сўнгги қатъий бир тўхтамга кела олмаяпман. Ҳозир ижара уйда яшаяпман. Болалар боғасига тарбиячи бўлиб ишга ўrnашдим. Адресимни шу пайтгacha сендан сир тутганим учун мени кечир...

Кўнглим чигиллари, аламлари бир оз бўлса-да, енгиллашармикан, деган ўйда ушбу хатимни ёздим. Ўтиниб сўрайман. Ҳаётимнинг бу аччиқ кечмишларидан зинҳор-базинҳор бирорвга сўзланма. Менимча, бунинг ҳожати йўқ...»

Элмуроднинг руҳини паришошлик чулғади. Юраги тез, нотинч ура бошлади. Бутун борлиги ўз-ўзидан тит-

раб, қақшашига тушди, аниги, шу гонда хоҳинини бирдан кўргиси, ғамига шерик бўлдіб. ширин-ширин сўзлар билан уни юпатгиси, таскин бергиси келди.

У ўрнидан сапчиди. Фани билан хайр-хўшлашишини ҳам насия қилиб, кўчага чиқди.

У чароғон кўча бўйлаб шаҳар маркази томон илдамлаб кетди. Муайян қарорга келганди: «Замиранинг кўрган баҳтчиликлари етарли. Менинг ҳам... Бола. Замира вақтида етим қолганидек, менинг болам ҳам етим қолишига йўл қўйиб бўлмайди! Биз кўрган фурбатларни бизнинг фарзандларимиз кўришмасин. Шуниси маъқул!..»

Элмурод кўп ўтмай Замира турган ҳовли қопқасига яқинлашди, дарвоза очиқ эди. Замира озғаштўзган, ранги кетганди. Ён томондаги хона остонасида кир ювиб ўтиради. Үндан бернроқда тетапоя қиласётган болакай бир туриб, бир йиқилиб, бўйни қайрилган қандайдир ўйинчоқни ўйиарди. Ҳар дамда ойисига кўз ташлаб, ғудранарди:

— Дадам қачон кеядила..

На узбекском языке

## САИД РАВШАН

### ПРИВАЛЫ

Повесть

Редактор *О. Мухторов*

Рассом *Ф. Шокиров*

Расмилар редактори *А. Кива*

Техн. редактор *Н. Жўраева*

Корректор *М. Қудратова*

ИБ № 1557

Босмахонага берилди 4. 02. 80. Босишга рухсат этилди 07.05.80. Р 09025.

Формати 70× 08<sup>1/2</sup>. Босмахона қогози № 1. Адабий гарнитура. Ўқори босма.

Шартли босма л. 3,15. Нашр л. 3,14. Тиражи 30000. Заказ № 775. Бахоси 20 т.

Гафур Гуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129,

Науонӣ кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари облести бош-

қармасининг Морозов номли босмахонасида босилди. Самарқанд,

У. Турсунов кӯчаси, 82. 1980

**Равшан Саид.**

Манзиллар: Қисса. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1980.—72 б.

Бухоролик ёзувчи Саид Равшаннинг „Манзиллар“ қиссаси одай мөхнат кишилари ҳаётига бағишиланган.

**Равшан Саид.** Привалы. Повесть.

ББК 84 Үз  
Үз